

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«БАНК – МОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ» ФАКУЛТЕТИ

«МОЛИЯ ВА СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ» КАФЕДРАСИ

**«Химояга тавсия этилди»
«Молия ва суғурта хизматлари»
кафедраси мудири, проф.
Зайналов Ж.Р.
2013 йил «27» май**

**“Молия” таълим йўналиши
МК-109 гуруҳ талабаси Атаходжаев Сайёднинг**

**«Корхоналарни солиққа тортиш механизмининг амалдаги ҳолати,
ундаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари
("Самарқанд Кимё" ОАЖ маълумотлари бўйича)» мавзусида**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: асс. Ахроров З.

**Илмий маслаҳатчи: доц. Тўхсонов Ҳ.
- Ўзбекистон Республикаси Молия
Вазирлиги етакчи мутахассиси**

САМАРҚАНД - 2013

Мундарижа

Кириш.....	4
I Боб. Корхоналарни солиққа тортиш механизмининг асосий хусусиятлари	
1.1. Корхоналарни солиққа тортишнинг асосий хусусиятлари ва аҳамияти...	10
1.2. Корхоналарни солиққа тортиш тизимини тикланиши ва ривожланиш босқичлари.....	15
1.3. Корхоналарда солиққа тортиш механизмини молиявий барқарорликни таъминлашдаги роли.....	18
II Боб. Корхоналарни солиққа тортиш механизмининг амалдаги ҳолати ва таҳлили (“Самарқанд Кимё” ОАЖ мисолида)	
2.1. “Самарқандкимё” ОАЖ вилоят иқтисодиётидаги тутган ўрни ва таҳлили.....	26
2.2. “Самарқандкимё” ОАЖни солиққа тортиш механизмини таркибига таъсир этувчи омиллар.....	32
2.3. Солиқ салмоғини юқорилигини корхона молиявий фаолиятига таъсири.....	35
III Боб. Корхоналарни солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришдаги муаммолар ва уларни ечиш йўллари	
3.1. Корхоналарни молиявий ҳолатига солиқ тўловларини таъсири, уларни юмшатиш йўллари.....	42
3.2. Корхоналарда солиқ юкини пасайтириш йўллари.....	47
3.3. Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш муаммолари.....	50
IV БОБ. “Самарқанд Кимё” ОАЖда ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари	
4.1. Корхона ходимлари меҳнатни муҳофаза қилиш асослари.....	41
4.2. Корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини ривожлатириш.....	44
4.3. Корхонада иш жойларини меҳнат шароитлари талабларига жавоб беришини таъминлаш чоралари.....	46
4.4. Корхона ходимларига тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларни ёнғиндан ҳимоя этиш чоралари.....	49
Хулоса.....	69
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	73

Кириш

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз корхоналаридаги асосий фондларнинг ҳолати, уларнинг эскириш даражаси, улардан фойдаланиш самарадорлигининг динамикаси бу борада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий қилиш йўналишида солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш кераклигини кўрсатмоқда.

Барча давлатларни иқтисодий-ижтимоий тараққиётида ишлаб чиқариш корхоналарининг тутган ўрнини баҳолаш мураккаб ва муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган муаммо ҳисобланади. Ушбу корхоналар мазкур мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлабгина қолмасдан, балки унинг ялпи ички маҳсулоти, бюджет даромадлари ва валюта тушумларини шаклландиришнинг асосий манбаи ҳамдир. Шу билан бирга ишлаб чиқариш корхоналарининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш учун етарли даражада шарт-шароитлар яратиш ва илмий жиҳатдан ўрганиш долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳон бозоридаги товар, маҳсулот, хом-ашё конъюнктура ўзгаришларининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда товарларни экспортининг ҳажми ортган бўлса-да, ишлаб чиқарувчи, шу жумладан, хом-ашё қазиб олишнинг ўртача тармоқ рентабеллиги даражаси кейинги йилларда 8-9%ни ташкил этмоқда, холос. Хом-ашёларнинг қолдиқ ва башоратланаётган захиралари сифат тавсифларининг ёмонлашуви шароитида олинаётган фойда суммаси инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ва миллий бойлик қазилма конларини ўзлаштириш учун олинган кредитлар бўйича қарзларни ўз вақтида узишга етарли бўлмай қолаяпти. Ишлаб чиқариш корхоналарининг самарали фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида, дастлаб, уларнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва инвестицион фаолиятини ўз маблағлари ҳисобидан

молиялаш-тиришга имкон берувчи муҳитни яратиш ва тармоқ корхоналарининг молиявий ҳолатини соғломлаштиришга хизмат қилувчи молиявий механизмлар тартибга келтириш борасида амалий чоратадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳозирги шароитда солиқ сиёсатининг мукаммал эмаслиги оқибатида ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ўртача рентабеллиги даражаси кейинги йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Олинган соф фойда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш даражасини таъминлаш учун етарли бўлмай қолмоқда.

Шунингдек, ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фаолиятига бевосита фойда ҳисобидан тўланадиган фойда, ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиқлари ҳамда таннархнинг таркибида ҳисобга олинадиган ресурс тўловлари (мол-мулк солиғи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва бошқалар) ўзининг жиддий таъсирини кўрсатмоқда. Маълумки, 2005 йилдан бошлаб, нефть ва газ конденсатига нисбатан акцизлар бекор қилиниб, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси кескин кўтарилди. Юқоридаги сабабларга кўра, фойда ҳисобидан тўланадиган ва таннархнинг таркибида ҳисобга олинадиган солиқлар суммаси ушбу корхоналар баланс фойдасининг қарийб 60%ини ташкил этмоқда. Солиқлар салмоғини юқорилиги ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг молиявий аҳволини ёмонлаштириб, тармоқда хом-ашё ва энергияни тежаш муаммоларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Солиқ сиёсати ва уни амалга оширувчи солиққа тортиш механизми, бир томондан, давлатнинг жорий фискаль манфаатларига ва иккинчи томондан, корхоналарни самарали фаолият кўрсатишининг ўз-ўзини молиялаштириш имкониятларини тўлиқ қондириши лозим. Юқорида қайд этилган ҳолатлар корхоналарни солиққа тортиш механизмини тартибга келтиришни амалга оширишда бир вақтнинг ўзида ёқилғи ва энергиядан фойдаланиш самарадорлигини оширишни таъминлаш асосида ишлаб чиқариш корхоналарининг узоқ муддатли даврда барқарор ривожланишига шарт-шароитлар яратиш учун солиққа тортиш

механизмини такомиллаштиришни назарий ва амалий масалаларини тадқиқ этишни тақозо этмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари ривожланишининг фундаментал ва амалий масалалари хорижлик ва ватанимиз иқтисодчи олимлари В.Беренс, В.Бочаров, А.Д.Бренц, В.Я. Гаидкин, В.Ф.Дунаев, Ф.У.Додиев, А.А.Зокиров, Э.Х.Махмудов, Н.Махмудов, Я.С.Мелкумов, А.О.Ортиқов, С.А.Смоляк, Ш.Б.Тураев, С.Умаров, Г.С.Уринсон, Т.С.Хачатуров, Е.М. Четыркин, О.Ҳ.Ҳикматовлар томонидан ўрганилган.

Юридик шахсларни солиққа тортиш масалаларининг турли жиҳатлари эса М.Альмардонов, А.М.Аманов, Н.Б.Ашурова, А.С.Жўраев, Ж.Р.Зайналов, Т.С.Маликов, Д.М.Муталова, И.М.Ниязметов, О.О.Олимжонов, У.Ражабов, Ш.Т.Собиров, Б.Э.Ташмурадова, Ш.А.Тошматов, Ш.Ш.Тўраев, Ж.Урмонов, Ф.Ғ.Шарипов, М.Эшонов, Н.Р.Қўзиева, Н.Ҳ.Ҳайдаровнинг илмий асарларида ўз аксини топган¹.

Ҳозирги пайтга қадар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини солиққа тортиш механизми ва уни такомиллаштириш

¹ Ташмурадова Б.Э. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёз. дис. автореф. – Т.: БМА, 2007. - 42 б.; Тошматов Ш.А. Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кучайтириш муаммолари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёз. дис. автореф. – Т.: БМА, 2008. - 38 б.; Тўраев Ш.Ш. Хўжалик субъектларининг солиқ юкини оптималлаштириш масалалари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёз. дис. автореф. – Т.: БМА, 2007. - 24 б.; Қўзиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёз. дис. автореф. – Т.: БМА, 2008. - 38 б.; Зайналов Ж.Р. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланма. – Самарқанд: СамКИ, 2002. - 365б.; Собиров Ш.М. Фойда солиғи ва унинг тадбиркорлик субъектлари иқтисодий фаолиятига таъсири: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёз. дис. автореф. – Т.: БМА, 2008. - 20 б.; Эшонов М.Ҳ. Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) ва мол-мулк солиқларини такомиллаштириш масалалари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёз. дис. автореф. – Т.: БМА, 2006. - 22 б.; Ражабов У.А. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида солиқ тизимини такомиллаштириш: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёз. дис. автореф. – Т.: БМА, 2006. - 24 б.; Муталова Д.М. Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибини такомиллаштириш: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёз. дис. автореф. – Т.: БМА, 2010. - 22 б.; Урмонов Ж.Ж. Кичик бизнесни ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантириш функциясидан самарали фойдаланиш истикболлари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёз. дис. автореф. – Т.: БМА, 2010. - 22 б.

масалалари етарлича ўрганилмаган ва мустақил тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилмаган. Шу муносабат билан ишлаб чиқариш корхоналари солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришнинг принциплари, устувор йўналишлари, уни амалга оширишнинг механизми ва дастаклари ишлаб чиқилмаган.

Мазкур муаммонинг долзарблиги, иқтисодий адабиётда чуқур ўрганилмаганлиги корхоналарнинг солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш масалаларини алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида тадқиқ этишни тақозо этмоқда.

БМИнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. БМИ Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналарни солиққа тортиш механизмини такомиллаш-тиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- корхоналарни солиққа тортиш механизмининг назарий ва амалий асосларини тадқиқ этиш;
- корхоналарни солиққа тортиш механизмининг амалдаги ҳолати, ундаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш;
- ҳозирги шароитда корхоналарни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини аниқлаш;
- корхоналарни солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг ишлаб чиқариш корхоналари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети - корхоналарни солиққа тортиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий (молиявий) муносабат-лардан иборат.

Тадқиқот методларини кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш ва бошқа иқтисодий-статистик усуллар ташкил қилади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- корхоналарни солиққа тортиш механизмининг амалий ва назарий асослари тадқиқ қилинган, бу корхоналарнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва улар ривожланишининг тенденциялари ёритилган;
- корхоналарни солиққа тортиш механизмининг амалдаги ҳолати баҳоланган, камчиликлар, уларни аниқлаш орқали таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;
- корхоналарни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсиялар аниқланган.

Илмий янгилиги:

- корхоналарни солиққа тортиш механизми ҳолати баҳоланган;
- корхоналарни солиққа тортишнинг илғор хорижий тажрибалари баён этилган ва улардан амалда фойдаланиш мумкин бўлган жиҳатлари ёритилган;
- корхоналар томонидан бюджетга тўланадиган солиқлар таркиби ва уларга хос бўлган хусусиятлари ёритилган;
- корхоналар фаолияти молиявий натижаларида бюджетга тўланадиган солиқларнинг таъсири кўрсатилган;
- корхоналарда солиққа тортиш механизмини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг қўламда жорий этиш ва корхоналар фаолияти натижаларига солиққа тортиш механизми таъсирчанлигини кучайтиришнинг объектив зарурлиги кўрсатиб ўтилган;
- корхоналарнинг солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг **илмий аҳамияти** шундаки, унда олинган натижалардан амалдаги корхоналарнинг солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришга

бағишланган келажакдаги махсус илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот натижаларининг **амалий аҳамияти** - ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялардан Самарқанд вилоятидаги корхоналарнинг фаолиятида солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш жараёнларида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. БМИ материалларидан олий ўқув юртларида “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанини ўқитиш жараёнларида фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Корхоналарни солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий хулосалар ва амалий тавсиялари “Самарқанд Кимё” ОАЖ томонидан амалиётга жорий этилмоқда (4/2-15-сонли 2013 йил 15 февралдаги маълумотнома).

БМИ натижалари маърузалар кўринишида “Хизмат кўрсатиш соҳаларида тадбиркорлик ривожлантириш” мавзусидаги илмий-амалий конференцияларида баён қилинган ва маъқулланган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. БМИнинг асосий ғоялари ва мазмуни битта ишда ифодаланган.

БМИнинг тузилиши ва ҳажми. БМИнинг таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. БМИнинг умумий ҳажми 67 бетдан иборат бўлиб, унда 6 та жадвал, 2 диаграмма ва 2 та чизма мавжуд.

I БОБ. КОРХОНАЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1. Корхоналарни солиққа тортишнинг асосий хусусиятлари ва аҳамияти

Корхоналар фаолияти бугунги кун иқтисодиётида алоҳида аҳамиятга эга. Шуни мамнуният билан қайд этиш жойзки, ушбу корхоналарнинг асосий капиталдаги салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Амалга оширилган таҳлил натижаларининг кўрсатишича, корхоналар мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишининг йўналишлари ва устуворликларига мувофиқ равишда, нисбатан барқарор тарзда ривожланмоқда. Бу жараёнлар тегишли ички ва ташқи омилларнинг мавжудлиги билан ҳам белгиланмоқда. Бир томондан, мазкур тармоқдаги корхоналар ишининг самарадорлигини ошириш ва давлат томонидан тартибга солишнинг оқилона механизмини яратиш бўлса, иккинчи томондан, бу молиявий барқарорликни таъминлашнинг ташкилий ва иқтисодий ички тармоқнинг мос механизмларини шакллантиришдан иборат. Ана шу мақсадларга эришишда, бизнинг фикримизча, корхоналарни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш муҳим роль ўйнайди. Бунинг учун эса, энг аввало, корхоналарни солиққа тортиш механизмининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаб олиш ва ундан сўнг эса, тегишли молиявий қарор қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, бу борада амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижалари корхоналарни солиққа тортиш механизми бир неча ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини кўрсатди. Бизнинг назаримизда уларнинг энг муҳимлари сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Мамлакатимизда корхоналар томонидан бюджетга тўланадиган солиқлар таркиби асосан 10 кўринишга эга бўлиб, уларнинг орасида қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, фойдадан олинадиган солиқ, мол-мулк солиғи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ кабилар муҳим аҳамият касб этади;

2. Мамлакатимизнинг корхоналари бир хилдаги солиқлар ёрдамида

солиқлар ёрдамида солиққа тортиш механизми корхоналар фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини (хусусиятларини) эътибордан четда қолдираяпти;

3. Амалда фаолият кўрсатаётган корхоналар учун ундирилиши лозим бўлган солиқ ўзига хос хусусиятлари, уларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ қийинчиликлари ҳисобга олинмаган.

4. Масалага солиқ суммаларининг ўзгариш тенденциялари нуқтаи-назаридан қаралса, уларни жуда кўплари йилдан-йилга муттасил равишда ошиб борган бўлишига қарамасдан, бундай ошиб боришни бир хил деб бўлмайди. Айрим йилларда баъзи бир солиқлар бўйича суммаларнинг оддинги йилга нисбатан бир неча баробар ўсганлиги фикримиз далилидир. Баъзи ҳолларда буларнинг ўзига хос объектив сабаблари бўлишига қарамасдан, бундай вазият ёқилғи-энергетика корхоналарининг амалдаги солиққа тортиш механизмида бир неча муаммолар мавжудлигини кўрсатади;

5. Корхоналарнинг солиққа тортиш механизми ҳолатининг таҳлилин ушбу корхоналар томонидан тўланадиган солиқлар таркибий тузилмасини аниқламасдан туриб, амалга ошириш мақсадга мувофиқ эмас;

6. Бюджетга тўланган жами солиқ суммаларининг салмоғида мол-мулк солиғининг салмоғини ўзгариши узлуксиз пасайиш тенденциясига эга; ер солиғи суммасининг салмоғи учун 0,4-0,5 фоиз атрофидаги барқарорлик хос; қўшилган қиймат солиғи суммаларининг салмоғи ўртача 29,7 фоизни ташкил этган бўлишига қарамасдан, 23,1 фоиздан (2001 йил) 35,9 фоизгача (2012 йил) тебранган (ўзгариш диапазони — 12,8 ф.п.) ва улар учун қатъий бир тенденция таркиб топмаган; акциз суммаларининг ўртача салмоғи 37,2 фоизга тенг бўлиб, бу кўрсаткичларнинг даражаси 52,0 фоиздан (2001 йил) 31,4 фоизгача (2012 йил) ўзгарган (ўзгариш диапазони — 20,6 ф.п.) — улар бўйича қатъий бир тенденция шаклланмаган; ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ суммаларининг салмоғи 3,4 фоиздан (2001 йил) 16,1 фоизгача (2012 йил) тебранган (ўзгариш диапазони— 12,7 ф.п.) ва унинг ўртача даражаси 8,4 фоизни ташкил этган. Ушбу солиқ суммалари салмоғининг ўзгаришини, шартли равишда бўлсада, қуйидаги икки даврга бўлиш мумкин:

биринчи давр — 2001-2004 йилларки, иккинчи давр эса — 2005-2012 йилларни ўз ичига олади. Биринчи даврда бу солиқ суммаларининг салмоғи 3,4 фоиздан 4,7 фоиз атрофида тебранган бўлса, иккинчи даврда уларнинг салмоғи кескин ўзгариб, 8,0 фоиздан 16,1 фоиз атрофида ўзгарган. Бу албатта, 2012 йилдан бошлаб ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш тизимида содир бўлган ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ; маҳаллий ва бошқа солиқлар суммалари салмоғининг ўзгаришига нисбатан ҳам қатъий бир фикрни билдириб бўлмайди.

7. Корхоналар фаолиятининг молиявий натижаларига бюджетга тўланадиган солиқларнинг таъсирини кенг маънода эътироф этган ҳолда, уни солиқларнинг рағбатлантирувчилик функцияси нуқтаи назаридан ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Фақат шундагина корхоналар фаолиятининг натижаларига бюджетга тўланадиган солиқларнинг таъсирини икки томонлама, яъни бир томондан, бюджет манфаатлари ва иккинчи томондан эса, корхоналарининг манфаатлари нуқтай-назаридан тасаввур этиш мумкин. Мазкур корхоналарнинг солиққа тортиш механизми ҳам ана шунга қаратилган бўлиши керак. (Бу соҳа монопол, давлатники ҳамда юқори рентабелли бўлгани учун, солиқнинг рағбатлантирувчи функцияларидан бу ерда фойдаланиш шарт эмас);

8. Корхоналар молиявий фаолияти натижаларига бюджетга тўланган солиқлар таъсирининг бир неча йўналишига мувофиқ, шундай фаолият натижаларини ифодаловчи курсаткичларнинг ўсиш суръатлари билан; фойда ҳисобидан тўланган солиқ суммаларининг ўсиш суръатлари ўртасида пропорционал бўлганиш мавжуд эмаслиги, улардаги мавжуд солиққа тортиш механизмининг ҳамма вақт ҳам етарли даражада самарали ва таъсирчан фаблият кўрсатмаётганлигидан дарак бериб ушбу корхоналарнинг солиққа тортиш механизмда уларнинг молиявий фаолияти натижаларига бюджетга тўланган солиқларнинг таъсири борасида захиралар ва улардан фойдаланиш имкониятлари ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда. Бу эса, корхоналар молиявий фаолиятини ифодаловчи курсаткичларнинг ўсиш суръатлари ва фойда

хисобидан тўланган солиқ суммаларининг ўзаро мувофиқ суръатларда ўсганлиги орқали намоён бўлмокда;

9. Корхоналар молиявий фаолият натижаларига, бюджетга тўланган солиқларнинг таъсири билан боғлиқ масалани фақат тегишли кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда кўриб чиқиш ва шу билан чекланиш тўғри эмас. Бунинг учун шу корхоналарнинг фаолияти натижаларига солиқларнинг таъсирини умумий тарзда кўрсатадиган солиқ юки кўрсаткичидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари корхоналарида шу усулда аниқланган солиқ юкининг даражаси билан солиқ юкининг даражаси қиёсланганда, унинг бошқаларга нисбатан бир неча барабар паст эканлиги маълум бўлади. Бу ҳам, ўз навбатида, корхоналар фаолиятининг молиявий натижаларига бюджетга тўланган солиқларнинг таъсири масаласига туртки бермасдан қолмайди, албатта.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридагиларнинг барчаси, бизнинг фикримизча, корхоналарини солиққа тортиш механизмининг ўзига хос хусусиятларини мужассам этади ва улар ушбу механизмни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари бўйича илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқиляётганда, албатта, инобатга олинмоғи лозим.

1.2. Корхоналарни солиққа тортиш тизимини тикланиши ва ривожланиш босқичлари

Ўзбекистон Республикаси солиқтизимининг ривожланиш эволюциясига назар ташлайдиган бўлсак, унинг ўтган йигирма йил мобайнида бир-бири билан таққослаб бўлмайдиган ҳар хил шаклларда намоён бўлганини кўриш мумкин. Бу, албатта, моҳияти жиҳатидан мутлақо фарқланадиган икки хил иқтисодиёт ўртасидаги ўтиш даврига хос тенденциядир. Мамлакат солиққа тортиш тизими шаклланишининг таҳлили шуни кўрсатадики, у дастлабки даврлардаги фискаллик хусусиятидан йиллар мобайнида иқтисодиётни тартибга солувчанлик тусига кириб борди.

Илмий-иқтисодий адабиётларда ҳар қандай жараёнлар ривожини маълум бир босқичларга ажратиб ўрганилади. Иқтисодий ривожланиш, шу жумладан, солиқ тизимининг шаклланиши ҳам бундан мустасно эмас.

Шу пайтгача бажарилган илмий ишларда республика солиқ тизими ривожланишининг тўрт босқичи ажратиб кўрсатилган²:

1992-1994 йилларни (айрим адабиётларда 1991-1994 йиллар) ўз ичига олган биринчи босқич 1991 йил 15 февралда «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинadиган солиқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилинишидан бошланади. Солиқ тизимига асос солинган мазкур босқичда солиққа тортиш ўзининг юқори фискаллик даражаси билан ажралиб турди.

Мамлакат солиқ тизими эволюциясининг иккинчи босқичи 1995-1997 йилларни ўз ичига олади. Мазкур даврда юқори фискалликка эга бўлган солиққа тортиш тизими мамлакат иқтисодий ривожини талабларига жавоб бера олмаётганлиги маълум бўлди ва солиқтизимда сезиларли ўзгаришлар юз берди. Бунда асосан бир қатор иқтисодий асосланмаган солиқлар бекор қилинди, бюджет даромадларини шакллантиришда табиий ресурслардан фойдаланишда тўланадиган солиқлар муҳим роль ўйнай бошлади.

Солиқ тизими ривожланишининг дастлабки икки босқичига хос умумий хусусиятлар қуйидагилардан иборат эди:

- кўп сонли (қирқдан зиёд) солиқ турларининг амал қилганлиги;
- иқтисодий асосланмаган солиқларнинг мавжуд бўлганлиги;
- иқтисодиётда солиқ юкининг юқори (ялпи ички маҳсулотга нисбатан 40-50 фоиз) даражада бўлганлиги;
- солиқлар ва солиққа тортиш тизимининг ягона ва асосий ҳуқуқий базаси мавжуд бўлмаганлиги.

1998 йилдан, яъни Ўзбекистонда Солиқ кодекси қабул қилиниши билан республика солиқ тизими шаклланишининг учинчи муҳим босқичи

² Солиқ тўловчилар билан ишлаш. Ўқув қўлланма. / Ш.Тошматов ва бошқалар. — Т.: Янги аср авлоди, 2010. - Б. 7-26.

бошланди. Мазкур босқичда иқтисодиётда солиқ юкини камайтириб бориш тенденцияси амал қила бошлади. Бироқ корхоналар, фуқароларнинг айрим тоифаларига ва айрим фаолият турларига жуда кўп солиқ имтиёзлари берила бошландики, бу ўз навбатида, бошқа солиқтўловчиларнинг зиммасига тўғри келувчи солиқ юкининг оғирлашиб кетишига сабаб бўлди. Асосан ҚҚС, фойда солиғи ва бошқа шу каби солиқлар бўйича кўплаб имтиёзларнинг жорий қилиниши, хўжалик фаолиятининг айрим турларига енгилроқ солиққа тортиш тизимини назарда тутувчи бир қанча алоҳида солиқ режимларининг белгиланиши иқтисодиётнинг турли хил субъектлари ўртасида солиқ юкининг номуаносиб тақсимланишига сабаб бўлди.

Мазкур босқичда солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш борасида сезиларли ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, 1997 йил 29 августда «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги, 1998 йил 24 декабрда «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонунларнинг қабул қилиниши билан солиқ назорати соҳасида давлат ваколатли органларининг ваколат ва мажбуриятлари аниқтизимга келтирилди.

Умумий ҳолда учинчи босқичга хос ўзгаришлар хусусиятини куйидагича гуруҳлаш мумкин:

- мамлакат Солиқ кодексининг қабул қилиниши;
- иқтисодий асосланмаган солиқларни бекор қилиш ҳисобига улар сонининг қисқартирилиши;
- тўғри солиқлар юкининг камайтирилиши, давлат бюджети даромадларида эгри солиқлар ва ресурс тўловлари ролининг кучайтирилиши;
- солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига алоҳида (махсус) солиқ режимларининг жорий этилиши;
- хўжалик субъектлари даромадларига турли хил табақалашган ставкаларнинг киритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 7 январдаги Ф-2108 сонли «Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг янги таҳририни

тайёрлаш тўғрисида»ги Фармойиши қабул қилиниши билан республикада солиқ ислоҳотларининг янги босқичи бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619 сонли, 2005 йил 24 июндаги ПФ-3722 сонли, 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665 сонли Фармонлари қабул қилиниши билан тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилди, хўжалик субъектларини текширишлар қисқартирилди, уларнинг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқ бузарликлари учун молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилди.

2005 йилдан бошланган мазкур тўртинчи босқич қуйидаги йўналишларда йирик солиқ ислоҳотларининг амалга оширилганлиги билан ажралиб туради:

- солиқ сиёсатининг эркинлаштирилиши;
- иқтисодиётда солиқ юкининг кескин камайтирилиши;
- кўплаб самарасиз солиқ имтиёзларининг бекор қилиниши;
- қатор солиқларнинг унификацияланиши;
- такомиллашган янги Солиқкодексининг қабул қилиниши.

Жараёнлар эволюциясини маълум босқичларга ажратишда кескин ёки сезиларли муайян ўзгаришни юзага келтирган омил мезон сифатида қаралади. Шундан келиб чиқиладиган бўлсак, мамлакат солиқтизими ривожланишида 2010 йилдан солиқ ислоҳотларининг янги бешинчи босқичи бошланганлигини таъкидлаш лозим. Чунки айнан шу йилдан бошлаб республика солиқамалиётида қуйидаги иккига йўналишда кескин ислоҳотлар амалга оширила бошланди:

- солиқ назоратини такомиллаштириш;
- солиқларни ҳисоблаш механизмларини такомиллаштириш.

Биринчи йўналишдаги ислоҳотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1257-сонли Қарорининг қабул қилиниши билан бошланди, дейиш мумкин. Ушбу ҳужжат қабул қилиниши билан давлат солиқ хизмати органларининг

солиқ назоратини амалга ошириш борасидаги масъулияти янги босқичга чиқди. Давлат солиқ идораларининг таркибий тузилишида кескин ўзгаришлар юз берди. Хусусан, солиқ тўловчи хўжалик субъектларини камерал назорат қилиш, бозорлар ва савдо мажмуалари фаолиятини назорат қилиш билан шуғулланадиган янги функционал бўлинмалар ташкил қилинди.

Бозорлар ва савдо комплексларида пул оқимларини тўлиқроқ ҳисобга олиш, шунингдек, сифати паст, қалбаки ва контрабанда маҳсулотларининг сотилишига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги «Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги ПҚ-1326 сонли Қарори қабул қилинди. Бу солиқ назоратини такомиллаштиришга қаратилган ислохотларнинг янада самарали кечишига сабаб бўлди.

Иккинчи йўналишдаги, яъни солиқларни ҳисоблаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган солиқ ислохотлари, асосан, айрим солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича энг кам базавий меъёрларни ўрнатиш орқали амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2010 йилнинг 1 июлидан бошлаб чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини худди шундай фаолият турини амалга ошираётган якка тадбиркорлар томонидан тўланадиган қатъий белгиланган солиқ суммасидан кам бўлмаган миқдорда тўлайдиган бўлдилар. Ҳозирги кунда якка тадбиркорлар томонидан тўланадиган қатъий белгиланган солиқ суммаси 1-жадвалда акс эттирилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ 2011 йил 1 июлдан бошлаб ягона солиқ тўловини тўловчилар учун шундай тартиб жорий қилинди.

**Юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан
шуғулланадиган жисмоний шахслардан (якка тартибдаги
тадбиркорлардан) олинадиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари³**

№	Фаолият тури	Қатъий белгиланган солиқнинг бир ойдаги ставкаси (энг кам иш ҳақиға қаррали миқдорларда)		
		Тошкент шаҳри	Нукус шаҳри ва вилоятларда бўйсунувчи шаҳарлар	бошқа аҳоли пунктлари
1.	Чакана савдо:			
	озик-овқат товарлари билан	9,0	6,0	3,0
	деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари билан*	5,0	4,0	2,0
	ноозик-овқат товарлари билан	10,0	6,5	3,0
	Газета, журнал и китобий маҳсулотлар билан	5,0	3,0	2,0
	озик-овқат ва ноозик-овқат товарлари билан (турғун шохобчалардаги аралаш савдо)	10,0	6,5	3,0
2.	Маиший хизматлар, 3-бандда кўрсатилганларидан ташқари	3,5	1,5	0,5
3.	Сартарошлик хизматлари кўрсатиш, маникюр, педикюр, косметолог хизматлари ва бошқа шунга ўхшаш хизматлар	4,0	2,0	1,0
4.	Ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш, шу жумладан миллий ширинликлар ва нон-булка маҳсулотлари тайёрлаш ва сотиш, шунингдек уй шароитларида ёки давлат ҳокимияти органларининг қарори билан махсус ажратилган жойларда ўтириш жойлари ташкил қилмасдан доналаб сотиладиган овқатларнинг айрим турларини тайёрлаш ва сотиш	2,0	1,5	1,0
5.	Бошқа фаолият турлари	2,0	1,5	1,0
6.	Автомобиль транспортида юк ташишга оид хизматлар:			
	3 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун	2,0		
	8 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун	3,0		
	8 тоннадан ортиқ юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун	4,0		

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ-1887-сон Қарори, 11-илова

Унга кўра солиқ тўловчилар ягона солиқ тўловини эгаллаб турган ер майдонидан келиб чиқиб ҳисобланадиган ер солиғининг уч барабаридан кам бўлмаган миқдорда тўлайдилар.

Солиққа тортишдаги бундай базавий меъёрлар айрим бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқишда ҳам киритилди. Масалан, 2011 йилнинг 1 январидан чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш соҳасида фаолият юритувчи ташкилотлар учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақтўлаш фондининг белгиланган энг кам меъёрларини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби жорий этилди.

Сўнгги йилларда солиққа тортишда киритилган энг кам базавий меъёрлар тавсифини яхшироқ ифодалаш учун уни жадвал кўринишида келтирамиз (2-жадвал).

Бу каби солиқ ислохотлари тадбиркорлик субъектларининг солиқ тўлашдан бўйин товлашларига қарши тўсиқлар қўйиш мақсадида амалга оширилаётган бўлиши мумкин. Бироқ, солиққа тортиш механизмига киритилаётган охириги узгартиришлар солиққа тортишнинг «умумийлиги» каби мумтоз тамойилидан, шунингдек, Солиқ кодексида келтирилган «солиқ тизимининг ягоналиги» принциpidан оғишишга олиб келмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг даромадларини солиққа тортиш турли хил ставкалар асосида табақалашган тартибда амалга оширилмоқда. Умумий ҳисобда республикаимизда хўжалик субъектлари даромадларига турли хил солиқ режимларига бирлаштирилган қарийб 60 хил ставкаларда солиқ солинаётганлиги мамлакат солиққа тортиш тизимини унификациялаш зарурлигини кўрсатади.

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, республикаимиз солиқ тизимини такомиллаштиришнинг истиқболли устувор йўналишларини солиққа тортиш тизимини том маънода унификациялаш ва соддалаштириш масалаларига қаратилиши мақсадга мувофиқ. Бу эса, мазкур муаммоларнинг чуқур таҳлилига асосланган илмий тадқиқот олиб боришни тақозо этади.

Солиққа тортишдаги турли базавий меъёрлар тавсифи

Т/ р	Базавий меъёрлар татбиқ қилинадиган солиқ тўловчилар	Солиқёки мажбурий тўлов тури	Қўлланадиган базавий меъёрнинг хусусияти
1.	Чакана савдо корхоналари, хизмат курсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар	Ягона солиқ тўлови	Айнан шундай фаолият учун якка тадбиркорлар тўлайдиган қатъий белгиланган солиқ суммасидан кам бўлмаган миқдорда
2.	Ягона солиқ тўловчи корхоналар (чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари)	Ягона солиқ тўлови	Эгаллаб турган ер майдонидан келиб чиқиб ҳисобланадиган ер солиғининг уч барабаридан кам бўлмаган миқдорда
3.	Чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш ташкилотлари	Ягона ижтимоий тўлов, суғурта бадали, даромад солиғи	Адлия вазирлигида 23.02.2011 йилда 2200-сон билан рўйхатга олинган Низом бўйича ҳисоблаб чиқилади
4.	Барча хўжалик юритувчи субъектлар (чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш ташкилотларидан ташқари)	Ягона ижтимоий тўлов	Ҳар бир ходим учун ойига бир минимал (фермер хўжаликларида ярим минимал) иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда
5.	Аввал хусусийлаштирилган корхоналар сотиш ҳажми сўнгги 2 чорақда объектив сабабларсиз мулк ва ер солиғининг мўлжалдаги ўн карра миқдоридан камроқ суммани ташкил этган ягона солиқ тўловчилар		Солиқ органи билдиришномаси асосида умумжорий этилган солиққа тортиш режимига ўтадилар

1.3. Корхоналарда солиққа тортиш механизмини молиявий барқарорликни таъминлашдаги роли

Давлат солиқ сиёсатини амага ошириш жараёнида Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалиги тизимига интеграциялашуви муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг минтақа кўламидаги ҳамда ҳамдўстлик доирасидаги интеграция жараёнларида фаол иштирок этишни таъминлаш мақсадга мувофиқ. МДХ доирасида қўшма корхоналар ва саноат гуруҳларини ташкил этишда ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилиши амалда экспортга йўналтирилган соҳаларни қўллаб-қувватлаган. Чунки, айнан, шундай ҳамкорлик экспортчилар йўлидаги божхона ва бошқалар билан боғлиқ тўсиқларни бартараф қилишда муҳим рол ўйнаши мумкин. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси қайта ишлаш саноати экспортининг халқаро миқёсда ўсиб бориши, шубҳасиз, дунё мамлакатларида амал қиладиган савдо тўсиқларига дуч келиши эҳтимолдан холи эмас.

Бу каби муаммолар ҳал қилиниши эса, Ўзбекистон солиқ механизмини амал қилиш тартибини янада ривожлантиришга боғлиқ. Корхоналарни интеграциялашувини жадаллаштиришга қаратилган муҳим вазифалар ҳал этилиши республикамиз халқаро бозорларга чиқиш билан боғлиқ муқобил йўллар ва йўналишларни яқдил белгилаб олишни ҳам талаб этади. Бу эса кўп жиҳатдан солиқ механизмларини ривожлантиришга боғлиқ. Маълумки, корхоналар самарали фаолият учун, энг аввало, тайёр маҳсулотлар ва хом-ашёлар жаҳон бозорларида амал қиладиган энг муҳим иқтисодий омилларни ҳисобга олиш тақозо этилади. Жаҳон хўжалиги тараққиёти шундан далолат берадики, дунё хом-ашёлар жаҳон бозоридаги рақобат муайян омилларга, хусусан, хом-ашёнинг табиий хусусиятлари ва уларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва транспорт воситаларида ташиш учун сарфланадиган харажатларга бевосита боғлиқ сарф-харажатлар ўз навбатида, жаҳон бозорида рақобат кураши асосини ташкил этувчи нарх шаклланишига олиб келади. Бундай масалани ҳал этишда аввало солиқ юкини

оптималлаштиришни талаб этади. Ҳар қандай корхона унинг бозорларидаги нархи барқарор бўлмаганлиги сабабли, жаҳон бозори конъюнктураси таъсирида шаклланган нархлар динамикасига ниҳоятда боғлиқ бўлиб қолади. Фикримизча, зарур хом-ашё ресурслари ва маҳсулотларига бой бўлган мамлакат уларни жаҳон бозорларига олиб чиқиб, арзон гаровга сотиш билан эмас, балки улардан самарали фойдаланиш орқали юқори сифатга эга бўлган рақобатбардош тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариши ва уларни халқаро бозорларда эркин айирбош қилинадиган хорижий валюталарда сотиши зарур. Айни пайтда, республикамиз экспорти тартибида ҳам технологик жиҳатдан чуқур ишлов бериладиган тайёр маҳсулотлар улуши кўпайишига эришиш экспортдан келадиган валюта тушумларининг дунё бозорлари конъюнктурасига боғлиқлик даражасини чегаралаш гаровидир. Тайёр маҳсулотлар бозори хом-ашёлар бозоридан кескин фарқ қилиб, унда рақобат асосини нафақат товар нархи, балки унинг истеъмол хусусиятлари, яъни нафлилиги ҳам ташкил этади. Демак, ҳам ички, ҳам ташқи бозорларда тайёр маҳсулотлар сифати – солиқ механизмларини амал қилиш ва рақобатбардошликнинг муҳим омилидир. Шундай экан, хом-ашё ресурслари ва бирламчи маҳсулотларни замонавий усулларда комплекс қайта ишлаш имконини берадиган янги технологияларни ишлаб чиқариш соҳаларига жорий этиш, экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни солиқлар орқали кўплаб бунёд этиш, мавжудларини эса техник жиҳатдан қайта курулантириш орқали корхона молиявий фаолиятини юксалтириш мақсадга мувофиқдир.

Айтиш жоизки, экспорт қилувчи корхоналар учун 2000 йилнинг 1 июлидан бошлаб ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлари (ишлар, хизматлар) экспорти улушига қараб, мулк солиғи тўлашнинг ўзига хос тартиби жорий этилган. Унга мувофиқ, экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача миқдорда бўлганда белгиланган солиқ ставкаси 30 фоизгача камайтирилади, 30 ва ундан юқори бўлганда белгиланган солиқ ставкаси 50 фоизгача камайтирилади. Юқорида қайд этилган имтиёзлар экспорт маҳсулотларини

ишлаб чиқарувчи ҳамда мустақил ёки айрим вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ёки компанияларнинг таркибий бўлинмалари ҳисобланувчи ихтисослаштирилган ташқи савдо бирлашмалари ҳамда фирмалари орқали четга сотувчи барча мулкчилик шаклидаги корхоналарга нисбатан жорий этилди. Бу эса экспортга бевосита тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқ корхоналарини рағбатлаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Юқорида қайд этилганидек, корхоналарни солиққа тортиш, албатта, ўз-ўзидан эмас, балки маълум бир механизмнинг ҳаракати ёрдамида содир бўлади. Бизнингча, уни корхоналарни солиққа тортиш механизми деб аташ мумкин. Тегишли шароитлар тенг бўлганда, таъкидланган механизм аниқ ишласа, бир томондан, корхоналарни солиққа тортиш жараёнида солиқлар ўзларининг фискал функциясини, иккинчи томондан эса, шу корхоналарни рағбатлантириш функциясини муваффақиятли бажараверади ва аксинча. Дексак, бундай шароитда корхоналарни солиққа тортиш механизми тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг учун эса, аввало, бу механизмнинг таркибий қисмлари ва элементлари нималардан иборат эканлигини аниқлаш керак. Солиққа тортиш механизмлари таркибан бир-бирига деярли ўхшаш бир неча элементлардан ташкил топади. Бундай элементлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: а) солиқ тўловчилари; б) солиқ солиш объекти; в) солиқ солинадиган база; г) солиқ имтиёзлари; д) солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби; е) солиқ юзасидан бюджет билан ўзаро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари ва бошқалар.

Корхоналарни солиққа тортиш механизми таркибий жиҳатдан (ҳаракатлантирувчи кучлари) қуйидаги уч қисмдан иборат, деб ҳам тасаввур этиш мумкин: 1) солиқларни тўловчи корхоналар; 2) корхоналар тўлайдиган солиқларни ундирувчилар; 3) корхоналар тўлайдиган солиқларни тартибга солувчи ҳуқуқий (меъёрий) ҳужжатлар.

Корхоналарни солиққа тортиш механизмининг ҳар бир таркибий қисми, ўз навбатида, бир неча элементлардан иборат. Масалан, солиқларни тўловчи корхоналар юридик шахслардан иборат бўлиб, улар эса юридик мақоми ва ташкилий-ҳуқуқий томонларига кўра, қуйидаги бир неча гуруҳлардан ташкил топиши мумкин: корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, фирмалар, корпорациялар, синдикатлар, трестлар, ассоциациялар, концернлар, холдинлар ва бошқалар.

Корхоналар солиққа тортиш механизмининг таркибий қисми сифатида бу корхоналар тўлайдиган солиқларни ундирувчилар ҳам бир неча элементлардан иборат. Бизнингча, уларнинг элементлари қаторига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуйи идораларини киритиш мумкин.

Шу ўринда, бизнингча, яна бир муҳим нарсага алоҳида эътибор бериш лозим. Гап шундаки, корхоналар солиққа тортиш механизмини нисбатан бўлсада, мустақил солиққа тортиш механизми сифатида талқин қилаётган бўлсак-да, аслида у мамлакатимиздаги ягона солиққа тортиш механизми олдига қўйилган вазифаларга ҳамоҳанг бўлмоғи лозим. Шунини ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, корхоналар солиққа тортиш механизми, бир томондан, фискал вазифани бажариб, давлат бюджетининг даромадларини шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшишга қаратилган бўлса, иккинчи томондан бу механизм корхонанинг фаолиятига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиши керак.

Корхоналарни солиққа тортиш механизмининг амал қилишига ёки бу корхоналар фаолиятига баҳо берилаётган пайтда уларнинг олдига қўйилган юқоридаги икки вазифа қандай бажарилганлигидан келиб чиқиш зарур. Бу ерда, албатта, вазифаларнинг бажарилишига доир турли вариантлар вужудга келиш эҳтимоли мавжуд. Уларга кўра биринчи вариантда корхоналарни солиққа тортиш механизми ўз олдига қўйилган бюджет даромадларини шакллантириш вазифасини узил-кесил бажариши, лекин, бу жараёнда корхоналарнинг фаолиятига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиш мароми

бузилиши, иккинчи вариантда эса, бунинг тескараси бўлиши мумкин. Бундай вариантлар вужудга келишининг оқибатларига қараб, ҳар икки ҳолда ҳам корхоналарни солиққа тортиш механизми фаолиятига яхлит тарзда ижобий баҳо бериб бўлмайди. Бундан келиб чиқадиган навбатдаги мантиқий хулоса шундан иборатки, бу механизм бир-бирига салбий таъсир кўрсатмасдан ўз олдига қўйилган ҳар иккала вазифанинг муваффақиятли бажарилишини таъминласа, уни тегишли талабларга тўлиқ жавоб берадиган самарали механизм сифатида эътироф этиш мумкин.

Албатта солиқ сиёсати корхоналар солиққа тортиш механизми, шакл-шубҳасиз, бир томондан, давлатнинг жорий фискал манфаатларини ва иккинчи томондан корхоналарнинг самарали фаолият кўрсатувчи тузилмаларини молиялаштириш имкониятларини таъминлаши керак. Фақат шундай бўлган тақдирдагина, бу механизмнинг самарали фаолият кўрсатаяпти, деб ҳисоблаш мумкин.

Демак, корхона иқтисодий фаолиятни солиқ механизмлари орқали тартибга солиш иқтисодиётга давлат аралашувининг муайян бир кўриниши бўлиб, у мамлакатда корхона истиқболини белгилаш, солиқ сиёсатини амалга ошириш, сармоялар мамлакат ташқарисига чиқиб кетишининг олдини олиш шароитида иқтисодий стратегиянинг муҳим тамойили ҳисобланади.

II БОБ. КОРХОНАЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ВА ТАҲЛИЛИ (“САМАРҚАНД КИМЁ” ОАЖ МИСОЛИДА)


2.1. “Самарқандкимё” ОАЖ вилоят иқтисодиётидаги тутган ўрни ва таҳлили

Кимё корхоналари мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга. Улар мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётни таъминлабгина қолмасдан, балки унинг ялпи ички маҳсулоти, бюджет даромадлари ва валюта тушумларини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди (1-диаграмма).

Амалга оширилган таҳлил натижалари кўрсатишича, “Самарқанд Кимё” ОАЖ мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиш йўналишлари ва устуворликларига мувофиқ равишда нисбатан барқарор суръатларда ривожланмоқда. Бу жараёнлар тегишли ички ва ташқи омилларнинг таъсири билан белгиланмоқда.

1-диаграмма

Самарқанд вилояти иқтисодиётида “Самарқанд Кимё” ОАЖнинг салмоғи



2001-2009 йилларда мамлакатимизда кимёвий маҳсулотларини ишлаб чиқаришни катта қисми “Самарқанд Кимё” ОАЖга тўғри келди. Бунинг натижасида 2001-2009 йиллар оралиғида захираларнинг ўсиши 884,3 минг тоннага тенг бўлиб, унинг 145,0 минг тоннаси 2009 йилга тегишлидир. Таҳлил қилинаётган 2012 йилда мамлакатимизда кимё ашёсини ишлаб чиқариш ҳажми 718,1 минг тоннага тенг бўлган. Шунга мос равишда, ўғит ишлаб чиқариш бўйича захираларнинг қайта тикланиши таъминланган. Шунингдек, захираларнинг қайта тикланиши ҳар доим уларнинг ўсиши ҳисобидан эмас, балки баъзи кимё ашёси қазиб чиқаришни пасайтириш ҳисобига эришилган.

Таҳлиллар кўрсатишича, “Самарқанд Кимё” ОАЖ кимё ашёсини ишлаб чиқаришнинг камайиши юз берган ва унга қуйидаги омиллар таъсирида содир бўлган: конларнинг ишлатилганлиги; уларнинг сув билан тўлдирилганлиги; керакли хом-ашёларни ўз вақтида етиб келмаганлиги кимё маҳсулотларига фермер хўжаликларини талабини пасайиши ва ҳоказо . бу эса маҳсулот ишлаб чиқаришни камайишига мутаносиб равишда таъсир этган.

Ушбу тармоққа сарфланаётган инвестицияларнинг аксарият қисми қурилиш-монтаж ишлари ва машина, дастгоҳларни сотиб олишга, яъни, тармоқ корхонасининг ишлаб чиқариш салоҳиятини ташкил этувчи асосий фондларни яратишга йўналтирилган.

Бироқ, шундай бўлишига қарамасдан, 2013 йилнинг 1 январь ҳолати бўйича асосий фондларнинг эскириши 33,7%ни ташкил қилган. Шу жумладан, унинг алоҳида олинган цехларида эскириш даражасининг юқори ҳолати машина ва дастгоҳларда кузатилмоқда.

2013 йил учун юридик шахслар даромад солиғи ставкалари 3-жадвалда акс эттирилган.

2013 йилда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкалари⁴

№	Тўловчилар	Солиқ солинадиган базага нисбатан %
1.	Юридик шахслар (2-3-бандларда назарда тутилганларидан ташқари)	9
2.	Тижорат банклари	15
3.	Аукционлар ўтказишдан, гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланишга лицензияси бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олувчи юридик шахслар	35
4.	Ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматлар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони билан тасдиқланган рўйхатда келтирилган хом ашё маҳсулотларидан ташқари) экспортининг (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш жойидан қатъий назар) эркин алмаштириладиган валютадаги улуши қуйидаги микдорларни ташкил этадиган экспортчи корхоналар учун:	
	сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача	белгиланган ставка 30 фоизга пасайтирилади
	сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан юқори	белгиланган ставка 50 фоизга пасайтирилади
5.	1-бандда кўрсатилган хизматлар кўрсатиш соҳаси корхоналари учун, пластик карталар қўлланиб ҳақ тўланган ҳолда кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича	белгиланган ставка 10 фоизга пасайтирилади

Юқорида қайд этилган рақамлар “Самарқанд Кимё” ОАЖ асосий фондлар актив қисми эскириш даражасининг критик нуқтада эканлиги ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида ушбу корхонанинг янгилаш ва улар ишлаб чиқаришини модерни-зациялашнинг объектив зарурлигини кўрсатмоқда.

Таҳлилларимиз кўрсатишича, 2001-2012 йилларда “Самарқанд Кимё” ОАЖнинг йиллик фойда суммаси 17,0 мартага ёки 1 515,6 млн. сўмга ортган. Фойданинг ортиши қуйидаги омиллар таъсирида содир бўлди: а) реализация қилинган маҳсулот ҳажмининг ўзгариши; б) реализация қилинган маҳсулот ишлаб чиқариш таннархининг ўзгариши; в) баҳолар ва реализация қилинган

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ-1887-сон Қарори, 7-илова

махсулотлар таркибий тузилмасининг ўзгариши; г) давр харажатлари ва бошқа ноишлаб чиқариш харажатларининг ўзгариши. Хусусан, реализация қилинган махсулот ҳажмининг ортиши эвазига фойда суммасининг ўсиши 1553,0 млрд. сўмга, баҳоларнинг ўсиши ва реализация қилинган махсулотлар таркибий тузилмасининг ўзгариши ҳисобидан фойда суммаси 1713,0 млн. сўмга ортган бўлса, реализация қилинган махсулотлар таннархининг ўсиши ва давр харажатлари каби харажатларнинг ўсиши ҳисобидан фойда суммаси, мос равишда 1392,0 млрд. сўм ва 358,0 сўмга камайган.

“Самарқанд Кимё” ОАЖ бўйича 2001-2012 йилларда фойда ҳисобидан тўланган солиқлар суммаси 1077,5 млрд. сўмга, шу жумладан, 2012 йилда эса – 476,5 млн. сўмга тенг бўлган. 2012 йилда олинган фойда суммасига нисбатан солиқлар салмоғи 29,5%ни ташкил этган. Буни корхона бўйича кўриб чиқилса, солиқлар таркибий тузилмасида қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ва акцизлар катта ўрин эгалаб, уларнинг салмоғи 2012 йилда жами солиқлар суммасига нисбатан 62,0%га тенг бўлган. Ўз салмоғи бўйича кейинги ўринни харажатлар таркибида ҳисобга олиннадиган солиқлар 20,0%, (даромад солиғи) эгаллайди. Ушбу ҳолат корхона бўйича кечкин чоратадбирларни ишлаб чиқишни талаб этади. Бундан мақсад солиқ механизмини оқилона қўллаш орқали бюджет тўлов мажбуриятларини тўлиқ бажариш бўлиб ҳисобланади.

2.2. “Самарқандкимё” ОАЖни солиққа тортиш механизмини таркибига таъсир этувчи омиллар

“Самарқанд Кимё” ОАЖ таркибига кирувчи цехлар бўйича солиқларнинг таркибий тузилмаси умумий тузилмадан бирмунча фарқланишини таъкидлаб ўтиш керак. Жумладан, 2012 йилда ҚҚС ҳиссаси 39,0%ни, даромад солиғи – 3,0%ни ва фойда ҳисобидан тўланадиган солиқлар эса 5,0%ни ташкил этган. Табиийки, “Самарқанд Кимё” ОАЖга тегишли бўлган солиқ юкининг даражаси ҳам турли цехларда турлича

бўлган. Умуман олганда, фойда ҳисобидан тўланадиган солиқлар 60,0%ни, харажатларнинг таркибида ҳисобга олинадиган солиқлар (даромад солиғи) эса 40,0%ни ташкил этган. Барча солиқлар суммаси (ҚҚС) реализациядан олинган тушумга нисбатан 8,0%га, солиқлар тўлангунга қадар фойда суммасига нисбатан 30,0%га тенг бўлган. Ўз навбатида, харажатлар таркибида ҳисобга олинадиган солиқлар фойда суммасини қарийб 20,0%га пасайтирган.

1-чизмадан кўриниб турибдики, “Самарқанд Кимё” ОАЖни солиққа тортиш механизми мураккаб таркибий тузилишга эга. Ушбу солиққа тортиш механизмининг самарали ишлаши унинг таркибий қисмлари ва элементларининг ўзаро алоқаларига боғлиқ. Таҳлиллар кўрсатишича, корхонани солиққа тортиш механизми таркибий қисмлари ўртасидаги нисбатда маълум даражада ўзгаришлар содир бўлса, ўз навбатида, бутун бир корхонани солиққа тортиш механизмининг соғлом фаолият кўрсатишига ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатиши мумкин. Шу боис, юқорида қайд этилган ҳолатдан корхонани солиққа тортиш механизмини самарали фаолият кўрсатиши шу механизмнинг таркибий қисмлари ва ҳар бир элементининг узлуксиз фаолият кўрсатишига боғлиқдеган мантикий хулоса келиб чиқади.

Корхоналарини солиққа тортиш механизми нисбатан мустақил фаолият кўрсатиши билан биргаликда, амалда мамлакатимиздаги ягона солиққа тортиш механизмининг таркибий қисми ҳисобланади. Юқоридагилардан корхонани солиққа тортиш механизми, бир томондан, фискал вазифани бажариб, давлат бюджети даромадларини шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшишга қаратилган бўлса ҳам, иккинчи томондан, корхонанинг фаолиятига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиши керак.

Корхонани солиққа тортиш механизми” ишини баҳолаш жараёнида унинг олдига қўйилган юқоридаги икки вазифанинг қандай бажарилганлигидан келиб чиқмоқ зарур. Бу ерда, албатта, вазифаларнинг бажарилишига доир турли вариантлар вужудга келиш эҳтимоли мавжуд.



1-чизма. “Самарқанд Кимё” ОАЖни солиққа тортиш механизмининг таркиби ва элементлари

Уларга кўра, биринчи вариантда “Самарқанд Кимё” ОАЖни солиққа тортиш механизми ўз олдига қўйилган бюджет даромадларини шакллантириш вазифасини тўлиқ бажариши, лекин, бу жараёнда корхонанинг фаолиятига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишини бузилиши, иккинчи вариантда эса, тескари манзараси вужудга келиши мумкин. Бундай вариантлар вужудга келишининг оқибатларига қараб, ҳар икки ҳолда ҳам корхонани солиққа тортиш механизми фаолиятига яхлит, қатъий ижобий баҳо бериб бўлмайди.

2012 йилда “Самарқандкимё” ОАЖни кўриб чиқадиган бўлсак, корхона умумбелгиланган солиқ тўловчиси бўлган ҳолда солиқлар ҳисобланганлигини кўришимиз мумкин. Ҳисобланган солиқ тўловлари ҳақиқатга бюджетга тўлангани кам (2-диаграммага қаралсин). Кўриниб турибдики, барча солиқлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоб қилинмаган. Бу бўйича ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш талаб қилинади.


Бундан келиб чиқадиган навбатдаги мантиқий хулоса шундан иборатки, бу механизм бир-бирига салбий таъсир кўрсатмасдан ўз олдига қўйилган ҳар иккала вазифанинг муваффақиятли бажарилишини таъминласа, уни тегишли талабларга тўлиқ жавоб берадиган самарали механизм сифатида эътироф этиш мумкин.

2.3. Солиқ салмоғини юқорилигини корхона молиявий фаолиятига таъсири

Амалга оширилган таҳлиллар кўрсатишича, “Самарқанд Кимё” ОАЖ солиққа тортиш механизми ўз олдига қўйилган вазифани маълум даражада бажарилишини таъминлаяпти. Бир вақтнинг ўзида, корхона фаолият натижаларида бевосита фойда ҳисобидан тўланаётган фойда солиғи ва инфратузилмани ривожлантириш солиғи, шунингдек, таннарх таркибида ҳисобга олинadиган тўловлари жиддий таъсир этишни давом этмоқда.

2-диаграмма

2012 йилда “Самарқандкимё” ОАЖ бўйича бюджетга тўловлар бўйича маълумот



2010 йилдан бошлаб, ҚҚС ставкаси ўзгармаган ҳолда тўловлар суммаси кескин оширди. Бунинг натижасида фойда ҳисобидан тўланадиган солиқлар ва таннарх таркибига киритиладиган солиқлар таҳлил қилинаётган даврда корхона баланс ўртача фойдасининг қарийб 60%ини ташкил этмоқда. Солиқлар салмоғи нисбатан юқори эканлиги корхона молиявий аҳволининг мураккаблашувига олиб келмоқда. Шу муносабат билан, корхонани солиққа тортиш механизми”нинг асосий вазифаси - шу корхонани узоқ муддатли барқарор ривожланиши ва улар фаолиятининг юқори самарадорлигини таъминлаш мақсадида солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштиришдан иборатдир. Юқорида қайд этилганидек, солиқ сиёсати ва корхонани солиққа тортиш механизми”, бир томондан, давлатнинг жорий фискал манфаатлари ва иккинчи томондан, корхонанинг самарали фаолият кўрсатувчи тузилмаларини молиялаштириш имкониятларини таъминлаши керак.

Корхонани солиққа тортиш механизмининг назарий ва амалий асосларини таҳлил қилишда уларни солиққа тортишнинг хорижий тажрибаларини қиёсий таққослашсиз тасаввур этиб бўлмайди. Корхонани солиққа тортиш хорижий тажрибаларини таҳлили асосида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин: Европа, Осиё ва Африкада маҳсулот ишлаб чиқариш билан машғул бўлган давлатларда мазкур корхоналар учун даромаддан, ёки сотувдан, ёки фойдадан 25%дан 50%гача бўлган ягона тўлов ўрнатилган. Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчи корхоналар бюджетга сотилган маҳсулот ҳажмига нисбатан қатъий тарзда ўрнатилган бонуслар тўлайдилар. Бонус корхонанинг рентабеллигига боғлиқ равишда ўрнатилади. Солиққа тортиш механизмининг бундай табақалаштирилиши натижасида корхоналарда камдебитли ва паст рентабелли корхоналарни эксплуатация қилишдан манфаатдорлик пайдо бўлади. Бу, ўз навбатида, корхоналар ресурсларини ўсишига, солиқ тушумларининг ортишига ва ниҳоят, жамиятда ижтимоий барқарорликнинг мустаҳкамланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши мумкин.

III БОБ. КОРХОНАЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ЕЧИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Корхоналарни молиявий ҳолатига солиқ тўловларини таъсири, уларни юмшатиш йўллари

Корхоналарни солиққа тортиш механизмининг амалдаги ҳолати, корхоналар томонидан бюджетга тўланадиган солиқлар таркиби, таркибий тузилмаси ва уларга хос бўлган ўзгаришларнинг таҳлили “Самарқанд Кимё” ОАЖ мисолида кўриб чиқилган. Умумий тарзда улар қуйидагилар билан характерланади (4-жадвал).

Корхона фаолияти молиявий натижаларига бюджетга тўланадиган солиқлар ўз таъсирини кўрсатади. Иқтисодий адабиётда, аксарият ҳолларда, корхоналар фаолияти молиявий натижаларида бюджетга тўланадиган солиқларнинг таъсири, аксарият ҳолларда, бир томонлама талқин қилинади. Фикримизча, корхоналар фаолиятининг молиявий натижаларига бюджетга тўланадиган солиқларнинг салбий таъсирини ушбу тарзда талқин этиш солиқлар таъсирчанлигининг тор маънода талқин этилиши, деб ҳисоблаш мумкин.

Шунинг учун ҳам, корхона фаолияти молиявий натижаларида бюджетга тўланадиган солиқлар таъсирини кенг маънода эътироф этган ҳолда, уни рағбатлантирувчилик функцияси нуктаи-назаридан ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Фақат ана шундагина ёқилғи-энергетика корхоналари фаолияти натижаларида бюджетга тўланадиган солиқларнинг таъсирини икки томонлама, яъни, бир томондан, бюджет манфаатлари ва иккинчи томондан эса, корхона манфаатлари нуктаи-назаридан баҳо бериш мумкин.

“Самарқанд Кимё” ОАЖ бўйича бюджетга тўланган солиқ суммалари салмоғи динамикаси⁵

Т/р	Кўрсаткичлар номи	йиллар								
		2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
1	Мол-мулк солиғи	1,9	2,2	4,7	4,7	4,4	3,9	3,5	3,3	3,5
2	Фойдадан олинадиган солиқ	11,7	18,7	1,3,8	10,2	10,5	9,4	9,1	6,5	11,3
3	Ер солиғи	0,4	0,4	0,4	0,7	0,4	0,4	0,5	0,5	0,5
4	Қўшилган қиймат солиғи	23,1	27,8	30,4	35,9	30,8	32,6	30,9	28,3	27,3
5	Акцизлар	52,0	33,1	36,4	37,7	31,4	34,1	40,1	35,5	34,8
6	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1
7	Экология солиғи	1,6	2,3	0,1	-	-	-	-	-	-
8	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	3,4	4,5	4,8	4,7	11,0	16,1	11,1	12,1	8,0
9	Даромад солиғи	2,7	3,5	4,0	2,9	3,3	3,4	0,4	4,0	3,2
10	Маҳаллий ва бошқа солиқлар	3,2	7,8	3,4	1,0	5,5	-	0,4	9,7	11,3
11	Иқтисодий санкциялар	0,01	0,5	0,1	0,1	0,1	0,2	0,2	0,1	0,1
	Жами солиқлар	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

⁵ “Самарқанд Кимё” ОАЖнинг ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонида тузилган

**“Самарқанд Кимё” ОАЖ бўйича молиявий натижаларига фойда ҳисобидан тўланган солиқ
суммалари таъсирининг омилли таҳлили ⁶**

Т/р	Кўрсаткичлар номи	йиллар								
		2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
1	Асосий фаолият бўйича маҳсулотлар реализациясидан олинган соф тушумнинг олдинга йилга нисбатан ўзгариши: - млрд. сўмда - % да	- -	+489,0 +42,3	+389,0 +23,6	+744,3 +36,6	+1383,0 +49,8	+1157,9 +27,8	+2243,8 +42,2	+1213,2 +16,0	+1476,9 +16,8
2	Реализация қилинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари: - млрд. сўмда - % да	- -	+305,6 +35,2	+221,3 +18,8	+488,1 +34,9	+823,4 +43,7	+822,5 +30,4	+1228,7 +34,8	+886,1 +18,6	+615,9 +10,9
3	Маҳсулот реализацияси натижаси: - млрд. сўмда - % да	- -	+183,4 +63,7	+167,7 +35,6	+256,2 +40,1	+559,6 +62,5	+335,4 +23,1	+1015,1 +56,7	+327,1 +11,6	+861,0 +27,5
4	Давр харажатлари: - млрд. сўмда - % да	- -	+81,3 +47,9	+55,3 +22,0	+112,3 36,7	+345,2 +82,5	+488,0 +6,4	+650,1 +80,0	+243,5 +16,6	+237,6 +13,9
5	Бошқа натижалар: фойда (+) ёки зарар (-): - млрд. сўмда - % да	- -	27,2 +22,7	-25,8 +1,4	-71,1 -45,3	-17,0 X	-27,3 X	+10,7 X	+376,9 +492,2	+106,7 +22,6
6	Фойдадан солиқлар тўлангунга қадар бўлган молиявий натижа: - млрд. сўмда - % да	- -	+133,8 +217,5	+59,4 +24,0	+98,6 +32,1	+230,4 +56,8	+259,3 +40,8	+543,5 +60,7	+460,5 +32,0	+730,1 +38,4
7	Фойдадан тўланган солиқлар: - млрд. сўмда - % да	- -	+44,8 +84,5	-7,9 -8,1	+31,0 +34,5	+53,8 +44,5	+24,1 +13,8	+82,7 +41,6	+192,6 +68,4	+210,0 +44,3
8	Соф фойда: - млрд. сўмда - % да	- -	+89,0 +246,1	+67,3 +44,9	+67,6 +31,1	+176,6 +62,0	+235,2 +50,9	+460,8 +66,1	+267,9 +23,1	+520,1 +36,5

⁶ “Самарқанд Кимё” ОАЖнинг ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонида тузилган

Корхона фаолияти молиявий натижаларида бюджетга тўланидиган солиқларнинг омилли таъсир кўрсатиши қуйидагилар билан характерланади (5-жадвал). 2004-2012 йилларда уларнинг аввалги йилга нисбатан ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда ёқилғи-энергетика корхоналари фаолияти молиявий натижаларида бюджетга тўланидиган солиқларнинг таъсирини кўрсатиб бериш мумкин бўлади.

“Самарқанд Кимё” ОАЖнинг 2001-2009 йиллардаги молиявий фаолияти натижаларида бюджетга тўланган солиқ суммаларининг таъсири масаласини бюджетга фойда ҳисобидан тўланган солиқ суммалари билан таққослаб, 2-жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосалар олинди:

а) корхона молиявий фаолияти натижаларида бюджетга тўланган солиқлар таъсирининг биринчи йўналишига мувофиқ шундай фаолият натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўсиш суръатлари билан фойда ҳисобидан тўланган солиқ суммаларининг ўсиш суръатлари ўртасида пропорционал боғланиш мавжуд эмас. “Самарқанд Кимё” ОАЖнинг молиявий фаолияти натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўсиш суръатларидан фойда ҳисобидан тўланган солиқ суммалари ўсиш суръатларининг бир неча марта юқори эканлиги корхонадаги мавжуд солиққа тортиш механизмининг самарали ва таъсирчан эмаслигини кўрсатади;

б) корхона молиявий фаолияти натижаларида бюджетга тўланган солиқлар таъсирининг иккинчи йўналиши ҳам шундай фаолият натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўсиш суръатлари билан фойда ҳисобидан тўланган солиқ суммаларининг ўсиш суръатлари ўртасида пропорционал боғланиш мавжуд эмаслигини кўрсатапти. Унга кўра, “Самарқанд Кимё” ОАЖнинг молиявий фаолияти натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўсиш суръатлари, 2004-2012 йилларда 18,8%дан 35,6%гача ўсган бўлишига қарамасдан, фойда ҳисобидан тўланган солиқ суммаларининг ўсиш суръатлари, аксинча, 8,1%га камайганлиги ҳам

корхонадаги мавжуд солиққа тортиш механизмининг етарли даражада таъсирчан эканлигига катта шубҳа туғдираяпти;

в) “Самарқанд Кимё” ОАЖнинг 2004-2012 йилларга тегишли бўлган маълумотларини таҳлил қилиш ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизмида уларнинг молиявий фаолияти натижаларида бюджетга тўланган солиқларнинг таъсири борасида заҳиралар ва улардан фойдаланишнинг имкониятлари мавжудлигини кўрсатапти. Бу нарса шу корхоналар молиявий фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар ўсиш суръатлари билан фойда ҳисобидан тўланган солиқ суммалари ўзаро мувофиқ суръатларда ўсганлиги орқали намоён бўлаяпти.

Шундай қилиб корхоналарни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиладиган вақтда амалдаги солиққа тортиш механизмига хос бўлган юқоридаги уч ҳолатнинг мавжудлиги эътиборга олинishi керак бўлади.

3.2. Корхоналарда солиқ юқини пасайтириш йўллари

Корхоналари молиявий фаолияти натижаларида бюджетга тўланган солиқларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган масалани умумий тарзда кўрсатадиган солиқ юқи кўрсаткичидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ (6-жадвал).

Самарқанд Кимё” ОАЖнинг зиммасига юкланган солиқ юқи жами солиқ суммалари (ҚҚСсиз) реализациядан тушумга нисбати сифатида ҳисобланганда бу юқининг 2004-2012 йиллар оралиғида 7,6%дан 12,7%гача тебранганлигини, унинг ўртача даражаси эса 9,7%га тенг бўлган. Шу оралиқда Самарқанд Кимё” ОАЖга тегишли бўлган солиқ юқи даражасининг динамик ўзгариши “ортиш – пасайиш – пасайиш – ортиш – пасайиш – пасайиш – ортиш – ортиш” “тенденция”си билан характерланган.

2004-2012 йилларда “Самарқанд Кимё” ОАЖ бўйича солиқ юки динамикаси⁷

Т/р	Кўрсаткичлар номи	йиллар								
		2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
1	Жами солиқ суммалари, ҚҚС ва акцизларсиз, млрд. сўмда	104,3	177,6	179,4	231,7	388,9	488,3	575,9	1007,7	1300,3
	Шу жумладан, фойдадан солиқлар, млрд. сўмда	62,6	122,3	92,9	101,6	167,5	138,9	191,6	453,9	776,5
	Харажатларда ҳисобга олинadиган солиқлар, млрд. сўмда	41,7	55,3	86,5	130,1	221,4	349,4	384,3	553,8	523,8
2	Жами солиқ суммалари, ҚҚС ва акцизларсиз, %да	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
	Реализациядан тушумга нисбатан, %да	9,0	10,8	8,8	8,3	9,3	9,2	7,6	11,5	12,7
	Солиқлар тўлангунга қадар фойдага нисбатан, %да	91,6	71,7	58,4	57,1	61,1	54,5	40,0	53,1	49,5
3	Фойдадан солиқлар салмоғи, %да	60,0	68,9	51,8	43,8	43,1	28,4	33,3	45,0	59,7
	Реализациядан тушумга нисбатан, %да	5,4	7,4	4,6	3,7	5,4	2,6	2,5	5,2	7,6
	Солиқлар тўлангунга қадар фойдага нисбатан, %да	55,0	49,4	30,3	25,0	26,3	15,5	13,3	23,9	29,5
4	Харажатларда ҳисобга олинadиган солиқлар салмоғи, %да	40,0	31,1	48,2	56,2	56,9	71,6	66,7	55,0	40,3
	Реализациядан тушумга нисбатан, %да	3,6	3,4	4,3	4,7	5,3	6,6	5,1	6,3	5,1
	Солиқлар тўлангунга қадар фойдага нисбатан, %да	36,6	22,3	28,2	32,1	34,8	39,0	26,7	29,2	19,9

⁷ “Самарқанд Кимё” ОАЖнинг ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонида тузилган

Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари корхоналарида шу усулда аниқланган солиқ юкининг даражаси билан Самарқанд Кимё” ОАЖдаги солиқ юки даражаси қиёсланганда, унинг бошқаларга нисбатан паст эканлигини аниқлашимиз мумкин. Бу нарса, ўз навбатида, Самарқанд Кимё” ОАЖ фаолиятининг молиявий натижаларига бюджетга тўланган солиқларнинг таъсири масаласига ўзининг таъсирини кўрсатади. Лекин бу жараёнда “Самарқанд Кимё” ОАЖ томонидан тўланган ҚҚСни эътиборга олинмаётганлигини ҳисобга олиш зарур.

Солиқ юки жами солиқ суммаларининг (ҚҚСсиз) солиқлар тўлангунга қадар фойдага нисбати тарзида аниқланадиган бўлса, у ҳолда корхонада 2004-2012 йиллар оралиғида солиқ юки даражаси 40,0%дан (2010 йил) 91,6%гача (2004 йил) тебранганлиги ва унинг ўртача даражаси 59,7%га тенг бўлганлигини аниқлаш мумкин.

Агар солиқ юки фойдадан тўланган солиқ суммаларининг реализациядан тушумга нисбатан салмоғи тарзида қабул қилинадиган бўлса, бундай усулда аниқланган солиқ юки 2004-2012 йиллар оралиғида 2,5%дан (2010 йил) 7,6%гача (2012 йил) тебраниб, унинг ўртача даражаси 4,8%га тенглиги маълум бўлади. Худди шунингдек, агар солиқ юки фойдадан тўланган солиқ суммаларининг солиқ тўлагунга қадар бўлган фойда суммасига нисбатан салмоғи сифатида қараладиган бўлса, у ҳолда унинг ўртача даражаси 29,8%га тенг бўлиб, у 2004-2012 йилларда 13,3%дан (2010 йил) 55,0%гача (2004 йил) тебранган. Бу усулда аниқланган солиқ юки учун “Самарқанд Кимё” ОАЖда 2004-2012 йилларда пасайиш (2009 йилдаги ҳолат бундан мустасно) ва 2011-2012 йиллар учун эса ортиб бориш тенденциялари хос.

Агар солиқ юки харажатларда ҳисобга олинадиган солиқлар суммаларининг реализациядан тушум суммаларига нисбатан салмоғи сифатида қаралса, у ҳолда “Самарқанд Кимё” ОАЖда 2004-2012 йилларда унинг ўртача даражаси 4,9%ни ташкил этиб, 3,4%дан (2005 йил) 6,6%гача (2009 йил) тебранганлигини аниқлаш мумкин. Бир вақтнинг ўзида, ушбу кўрсаткич учун 2004-2009 йиллар оралиғида ўсиб бориш, 2009-2012

йилларда эса, нисбатан барқарорлик тенденцияси хос. Солиқ юки харажатларда ҳисобга олинадиган солиқлар суммаларининг солиқлар тўлангунга қадар фойда суммасига нисбатан салмоғи сифатида ҳисобланса, унинг таҳлил даврида ўртача даражаси 29,9%га тенг бўлиб, 19,9%дан (2012 йил) 39,0%гача (2009 йил) тебранганлиги ва уларнинг даражаси турли йилларда, айрим ҳолларда, кескин ўзгариб турганлиги маълум бўлади.

Юқоридаги ҳолатлар корхоналарга нисбатан солиқ юкини пасайтириб борилишини зарурият даражасига чиқариб қўймоқда.

3.3. Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш муаммолари

Кимё корхоналарини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш учун ягона тизим асосида бир қанча чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилмоқда. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчидан, корхоналардаги илмий-тадқиқот ва тажриба–конструкторлик ишларини ҳамда инновация соҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун, дастлаб инвестицион чегирмалар, солиққа тортиладаган даромаддан илмий-тадқиқот ва тажриба ишлари харажатларининг ўсган қисмига солиқ кредитини тақдим этиш, фойда солиғига нисбатан чегирмаларни қўллаш каби чора-тадбирлар амалга оширилмоғи лозим. Турли кўринишдаги ушбу солиқ имтиёзлари илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган жорий харажатларни якуний маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари таркибига киритиб, илғор технологиялар ва илмталаб маҳсулотларнинг янги турларини яратиш ва ўзлаштириш учун кенг йўл очиб беради. Улар фақат жисмоний жиҳатдан эмас, балки маънавий жиҳатдан ҳам тез эскирган асосий фондлар, жумладан, илмий асбоб-ускуналарнинг ҳам янгиланишини рағбатлантиради.

Иккинчидан, корхоналардаги амалдаги солиққа тортиш механизми ҳозирги пайтда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник яншилаш ва деверсификация қилиш, инновациявий технологияларни кенг жорий этиш учун, бизнинг фикримизча, етарли эмас. Шу муносабат билан бу борада қуйидагиларни амалга ошириш лозим :

- корхона томонидан эришилган инновациявий фаолиятнинг даражасини ҳисобга олган ҳолда фойдадан олинадиган солиқни камайтириш йўли билан илмий-тадқиқот ва тажриба ишларини рағбатлантириш имкониятларидан фойдаланиш керак. Бунда корхона эришган инновациявий фаолиятнинг даражаси қанча юқори бўлса, корхона шунча кўп солиқ имтиёзлари олиши мақсадга мувофиқ;

- солиққа тортиладиган базанинг ҳажмини аниқлаш, илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини ўтказишда фойдаланилган дастгоҳлар ва шу кабиларга қилинадиган жорий харажатларни маҳсулот таннархига ўтказиш учун қулай қонуний-ҳуқуқий шароит яратилмоғи лозим. Бунинг учун, жумладан, инвестициялар бўйича имтиёзларни , кўп ҳолларда, инвестицион солиқ чегирмалари (солиқ инвестицион кредити) кўринишида тақдим этиш зарур.

- Корхонани солиққа тортиш механизмини шу соҳада фаолият кўрсатаётган илмий-тадқиқот ва тажриба ташкилотлари, шунингдек, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантиришни амалга оширувчи корхоналарнинг прогрессив асбоб-ускуналар ва дастгоҳлар билан қуролланишини рағбатлантириш керак. Бунда тезлаштирилган амортизация услубини қўллаш ёки инвестицион чегирмаларни танлаш муҳим рол ўйнайди;

- бундай корхона ва ташкилотларга шу йилда сотиб олинган замонавий асбоб-ускуналар ва дастгоҳларнинг умумий қийматидан маълум бир фоиз миқдорида тўланиши лозим бўлган солиқ суммаларини камайтириш ҳуқуқини бериш керак.

Учинчидан, корхоналарни солиққа тортиш механизмини таъкидланган йўналишда такомиллаштириш учун махсус рағбатлантирувчи солиқ чегирмаларини жорий этиш имкониятини ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, корхонани солиққа тортишнинг такомиллаштирилган механизми мамлакатимиздаги шу жараёнга алоқадор бўлган барча олий ўқув юр்தларининг тегишли тадқиқотларини молиялаштиришни фаол рағбатлантириши керак. Бундай рағбатлантириш турли кўринишларда бўлиши мумкин. Масалан, илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юр்தлари билан илмийтадқиқот ва тажриба ишларини амалга ошириш борасида шартнома тузган ёқилги-энергетика корхоналарининг фойдасидан олинадиган солиққа нисбатан чегирма жорий этиш ана шундай йўллардан биридир.

Ҳозирда ва яқин келажакда корхоналарни фаолиятлари натижаларига солиққа тортиш механизмининг таъсирини кучайтириш ҳам, бизнинг фикримизча, бу механизмни такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши сифатида эътироф этилмоғи лозим. Бунинг асосий сабаби шундаки, биз томонимиздан амалга оширилган тадқиқотларнинг натижалари ҳозирги пайтда мамлакатимизда амал қилиб келатган ёқилги-энергетика корхоналарини солиққа тортиш механизмининг шу корхоналарнинг фаолиятлари натижаларига ижобий таъсири етарли даражада эмаслигини кўрсатди.

Амалдаги механизми бу жараённинг ўзига хос бўлган хусусиятларини етарли даражада ҳисобга олмайди. Бу ҳол ушбу солиқ амал қилиш механизмининг ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўришда маҳсулдорлиги бўйича фарқ қилиши мумкин бўлган ҳар бир ҳаракатни алоҳида-алоҳида ҳисобланишини, унинг пасайиш динамикасига, ҳаракатсиз бўш туриб қолган асосий фондларга боғлиқ равишда солиқ ставкаларини ўзгаришини ҳисобга олмаётганлигида яққол намоён бўлмоқда.

Шу боис корхонага нисбатан табақалаштирилган солиқ ставкасини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши сифатида, солиқлар ва бошқа мажбурий ажратмаларнинг бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга ўз вақтида тушиб туришини таъминлаш учун, шу секторда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг ва шу жойдаги ҳолат учун бевосита масъул бўлган мансабдор шахсларнинг молиявий жавобгарлигини кескин кучайтириш зарур.

Халқаро тажрибанинг ўрганилиши ҳам бу муаммони ҳал этишнинг ўзгача йўли йўқ эканлигини кўрсатапти. Бу, ўз навбатида, жумладан, бюджетга тегишли солиқ суммаларининг ўз вақтида ўтказиб берилмаганлиги ёки кечикиб ўтказилганлиги учун қўлланилиши лозим бўлган молиявий жарималар (пенялар) даражасининг, айрим ҳолларда, ўсиш томонга кескин ўзгартирилишини тақозо этади. Бунинг учун, бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 120-«Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузиш» моддасига ўзгартириш киритиш ва унда белгиланган 0,05 фоиз миқдоридаги пенянинг даражасини тегишли тартиб биринчи марта бузилганда 1,0 фоиз (20 мартага оширилган), қайта такрорланганда эса, ундан ҳам юқорироқ даражада қилиб белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновациявий технологияларни кенг жорий этиш ишларига солиқ имтиёзларини бериш, хўжалик юритувчи субъектлар ва бевосита масъул шахсларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари солиққа тортиш механизмининг янада самарали бўлишига хизмат қилали.

IV БОБ. «САМАРҚАНД КИМЁ» ОАЖДА ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ҲОЛАТИ ВА САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ.


4.1. Корхона ходимлари меҳнатни муҳофаза қилиш асослари

Фикримизча, ҳозирги шароитда меҳнатни муҳофаза қилиш тизими инқирозга қарши комплекс тизимнинг ажралмас бугини сифатида қаралмоғи лозим. Инқироз шароитида меҳнатни муҳофаза қилиш тизими компонентлари кенг кўламда таркибий ўзгаришларни самарали ҳал этиш дастаги вазифасини ўташи керак (2-чизмага қаралсин). Ушбу тизим компонентлари узаро тулдирувчанлик жиҳатларига эга бўлиши билан бир қаторда, меҳнат бозорини тартибга солишда устувор аҳамиятга эга бўлмоғи лозим. - Глобал инқирозни ҳисобга олган ҳолда меҳнат муҳофазаси соҳасида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши талаб этилади:

- меҳнат хавфсизлигини таъминлаш бўйича турли тадбирларни амалга ошириш учун сарфланаётган маблағларнинг мақсадга мувофиқлиги чуқур таҳлил этилиши керак. Бунда меҳнат шароитларини яхшилашга жиддий таъсир кўрсатмаётган сарф харажатларни қисқартириш, уларни зарурроқ мақсадларга йуналтириш чора-тадбирларини кўриш;

- иш берувчиларга мамлакат ижтимоий суғурта фондидан ажратиладиган маблағларнинг муайян қисмини бевосита кўзланган мақсадга сарфлаш ҳуқуқини бериш. Яъни, бу маблағ меҳнат шароитини яхшилаш, меҳнат хавфсизлигини ошириш, шу жумладан махсус кийим-бош ва боища шахсий ҳимоя воситалари харид қилишга сарфланиши керак;

- корхоналарга меҳнат муҳофазаси мақсадлари учун имтиёзли кредитлар ажратиш, уларнинг бу йуналишдаги солиқ юқини камайтириш, бошқа имтиёзлар бериш ҳам муҳимдир.



2-чизма. Глобал инқироз шароитида меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишнинг асосий йўналишлари

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилишни молиявий таъминлаш давлат томонидан (Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлардан меҳнатни муҳофаза қилиш учун алоҳида қайд билан ажратиладиган маблағлар), шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъий назар, жамоат бирлашмалари, корхоналарнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобига амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектларда, улар мулкчилиكنинг қайси шаклига мансублигидан қатъий назар, ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, коида ва меъёрлари талабларига мувофиқ бўлиши лозим. Бугунги глобал инкироз шароитида меҳнат шароити зарарли ва хавфли бўлган ишлаб чиқаришларда меҳнатни муҳофаза қилиш тартиб-қоидаларига риоя этилиши жуда муҳимдир. Жумладан, ходимлар бундай ишлаб чиқаришларда махсус кийим, пойабзал ва бошқа шахсий ҳнмоя, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглаштирилган бошқа озик-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат билан бепул таъминланиши керак.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 ноябрдаги 245-сон қарорида кўзда тутилган корхона, ташкилот ва муассасаларда ташкил этиладиган меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармаси маблағларидан ҳам оқилона фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Маълумки, бу жамғарма маблағлари корхона, ташкилот ва муассасаларнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин қоладиган фойдаси (даромади), юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари, бошқа тушумлар ҳисобига шакллантирилади.

Мазкур жамғарма маблағлари қатъий равишда корхонада:

- меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш ва муҳофаза қилиш дастурларини ишлаб чиқишга;
- иш ўринларини меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда техника хавфсизлиги қоидалари ва нормалари талабларига мувофиқ жихозлашга;

- меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга;

- меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш, хавфсиз ва самарали меҳнат қилиш шароитларини яратиш, ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш, малакасини оширишга;

- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар, касб касалликларининг олдини олишга;

- меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ва меҳнатни муҳофаза қилишни тартиб қилиш воситалари билан таъминлашга;

- меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича фаолиятни рағбатлантиришга сарфланиши белгилаб қўйилган.

Ишни йўқотиш хатари ходимларни касб касалликларига дучор қилиши мумкин бўлган хавфли шароитларда меҳнат қилишга ҳам рози бўлишга мажбур қилиши мумкин. Бу муаммолар меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини молиялаштириш қисқартирилганлиги муносабати билан янада ўткирлашади. Лекин иш берувчилар инқироз шароитларида бозорларда рақобатбардош бўлиш биринчи галда меҳнат салоҳияти юқори, соғлом меҳнат ресурсларига боглиқ эканлигини ҳамиша ёдда тутишлари керак.

4.2. Корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини ривожлатириш

Меҳнатни муҳофаза қилиш тизимида асосий диққат-эътибор кўп моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари талаб этмайдиган тадбирларга қаратилиши муҳимдир. Энг аввало иш берувчилар ходимларнинг саломатлигини сақлашга эътиборни қучайтиришлари талаб этилади.

Бу ҳаммага равшан ҳақиқат бўлишига қарамасдан, кўп ҳолларда иш берувчилар меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган зарур чора-тадбирларни амалга оширишга иккинчидаражали масала сифатида қарайдилар. Улар бунинг оқибатида уз бизнесида катта йўқотишларга дуч

келишлари мумкинлигини ҳам ҳисобга олмайдилар. Шунинг учун иш берувчилар ҳамда меҳнат муҳофазасибўйича мутахассисларни уқиштиш, улар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш чора-тадбирлари кўрилиши керак. Ушбу ўқув дастурларига меҳнат муҳофазаси бўйича амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар билан бир қаторда меҳнатни муҳофаза қилишни молиялаштириш ва ушбу тадбирларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш масалалариникиритиш мақсадга мувофиқдир.

«Меҳнат муҳофазаси туғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, янги қурилган ёки реконструкция қилинган корхона Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибдаги хавфсизлик сертификатига эга бўлмаса, фойдаланишга топширилиши мумкинэмас. Шунинг учун янги корхоналарни қуриш ва реконструкция қилишни лойиҳалаш босқичидаёқ меҳнат муҳофазаси талаблари аниқҳисобга олинishiга эришилиши лозим. Бу қурилиш ва реконструкция қилиш ишларини қонун талаблари асосида амалга оширишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Меҳнатни муҳофаза қилиш учун тегишли бюджетлардан алоҳида қайд билан ажратиладиган бюджет маблағлари (республика ва маҳаллий) бошқарув ҳамда назорат идораларини сақлаш, илмий-тадқиқот ишларини молиявий таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилишга оид давлатнинг аниқ мақсадга қаратилган дастурларини бажариш учун фойдаланилади.

Ҳар бир корхона меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур маблағларни жамоа шартномасида белгиланадиган миқдорда ажратади. Корхоналарнинг ходимлари ана шу мақсадлар учун қандайдир қўшимча чиқим қилмайдилар.

Корхоналар ўзининг хўжалик, тижорат, ташқи иқтисодий ва бошқа фаолиятидан келадиган фойда (даромад), шунингдек бошқа манбалар ҳисобига меҳнатни муҳофаза қилишнинг марказлаштирилган фондларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 ноябрдаги 245 сонли қарори билан тасдиқланган “Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармаларини ташкил этиш ва

унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра ташкил этиш ҳуқуқига эга.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавfli ва зарарли омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил этиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юкланади.

Меҳнат шароити зарарли ва хавfli ишлаб чиқаришларда, шунингдек нохуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгиллаган меъёрларда махсус кийим, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилади.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномаси ёки битимида кўзда тутилади.

4.3. Корхонада иш жойларини меҳнат шароитлари талабларига жавоб беришини таъминлаш чоралари

Бугунги кунда иш берувчилар иш жойларини меҳнат шароитлари талабларига жавоб бериши бўйича аттестациядан ўтказишга алоҳида эътибор қаратишлари талаб этилади. Амалиёт шу пайтгача қатор корхоналарда иш ўринларининг атиги 15-20 фоизи меҳнат муҳофазаси талабларига жавоб беришини кўрсатмоқда. Кўпгина иш берувчилар бундай аҳвол билан муроса қилиб келадилар, ҳатто иш шароитлари меҳнат муҳофазаси талабларига мувофиқлиги тўғрисида сертификат олишга даъвогарлик қиладилар.

Амалда эса иш жойларини аттестациядан ўтказиш тизими норматив талабларга жавоб берадиган иш жойлари сонини купайтириш мақсадига йўналтирилиши керак. Ушбу ишнинг амалга оширилиши устидан назоратни

меҳнат шароитларини давлат экспертизасидан ўтказиш органлари зиммасига юклаш мақсадга мувофиқдир. Умуман, иш берувчи меҳнат шароитининг меҳнат муҳофазаси талабларига мувофиқлиги туғрисидаги сертификатни олиш учун иш жойларининг камида 80,0 фонд меҳнат шароитлари бўйича биринчи ва иккинчи тоифаларга мос бўлган тақдирдагина даъвогарлик қилишлари мумкинлиги белгилаб қўйилиши даркор.

Шу билан бирга, корхоналарда меҳнат шароитларини объектив баҳолаш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши бўйича умумдавлат мониторингини ўтказиш юзасидан махсус дастур ишлаб чиқилиши лозим. Ана шу мониторинг натижасида мавжуд барча иш уринларининг меҳнат муҳофазаси талабларига жавоб бериш даражасининг ягона маълумотлар базаси (руйхати)ни тузиш ҳам талаб этади. Шу билан бирга, мамлакат минтақаларида ва умуман мамлакат бўйича касб касалликларига чалиниш, ишлаб чиқариш жароҳатлари туғрисида ягона маълумотлар базасини шакллантириш вақти ҳам келди.

Бу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ходимлар зарур меҳнат шароитларида ишлашларини таъминлашга хизмат қилиши билан бирга, меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини ҳам беради.

Ходимлар сони 10 нафар ва ундан ошадиган корхоналарда махсус тайёргарликка эга шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади), 50 ва ундан зиёд транспорт воситаларига эга бўлган корхоналарда эса бундан ташқари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади). Ходимлар сони ва транспорт воситалари миқдори камроқ корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини бажариш раҳбарлардан бирининг зиммасига юкланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари касба уюшмаси қўмитаси билан келишилган низомлар асосида ишлайди ва

Ўз мақомига кўра корхонанинг асосий хизматларига тенглаштирилади ҳамда унинг раҳбарига бўйсунди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматларининг мутахассислари уларнинг хизмат вазифаларига тааллуқли бўлмаган ишларни бажаришга жалб этилишлари мумкин эмас.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари корхона фаолияти тўхтатилган тақдирдагина тугатилади.

Шунинг учун фуқароларни турли бўладиган таъсирлардан сақлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланса, худди шундай бизнинг ўлкамиз табиий офатлар (ер силкиниши, ер сурилиши, сел, сув тошқини ва ҳ.к.) бўлишига мойил ўлка бўлганлигидан ҳамда техноген авариялар ва экологик мувозанатни бузилиши натижасида унинг оқибатларидан, фуқаролар меҳнат муофазасини, халқ ҳўжалиги тармоқларини, моддий ресурсларни, техникаларни ва табиатни асраш, зарар кўрган ҳудудларда кутариш – тиклаш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон минтақаси учун хос бўлган табиий офатларни, ишлаб чиқариш аварияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолиятидаги меҳнат хавфсизлигини чуқур таҳлил этиш натижасидагина ҳар қандай вазиятлардаги моддий, маънавий йўқотишлар кўламини қисқартиришга эришиш мумкин.

Инсон ва табиат жамият ўртасидаги муносабатда ҳам, инсон табиатнинг қонунлари ва ундан келиб чиқадиган кўпгина ҳодисаларнинг олдида жамиятларнинг ўртасида ёки бошқа сабаблардан келиб чиқадиган вазиятларда ҳозирда инсон ожизлик қилиши мумкин.

Корхона ходимлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли қарори билан тасдиқланган “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Низомда белгиланган тартибга кўра ҳар бир иш берувчи у давлат рўйхатидан ўтказилган санадан ёки иш берувчилар - жисмоний

шахслар учун меҳнат шартномаси (контракти) тузилган санадан бошлаб 15 иш кунидан кечикмай меҳнатда шикастланиш, касб касаллиги ёки унинг меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплаш бўйича ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиши шарт.

Саноатнинг барча тармоқларида ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларини излаб топиш, меҳнатни самарали ижодга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

4.4. Корхона ходимларига тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларни ёнғиндан ҳимоя этиш чоралари

Ходимларнинг саломатлигини сақлаш касб касалликлари ва захарланишларнинг олдини олишда, шунингдек уларни камайтиришда, ишга қабул қилишдан олдин ўтказиладиган тиббий кўрик ҳамда ишлаб чиқаришда зарарли, нохуш меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни даврий кўриқдан ўтказиб туриш чора-тадбирлар ичида муҳим ўрин тутди.

Сўнгги вақтларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва тиббий кадрлар тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга оширилаяпти, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида мажмуавий дастурлар амалга оширилмоқда, юқумли, умумий хас-таликлар ҳамда касб касалликларни ташҳислаш, даволаш ва профилактика қилишнинг энг янги усуллари ишлаб чиқилмоқда ва ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Бироқ, қўлга киритилган катта ютуқларга қарамай, бозор муносабатларига ўтиш шароитларида, кичик корхоналар кўпаяётган бир пайтда (бу ерда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига амал қилмаслик ҳоллари рўй бермоқда) қишлоқ хўжалиги ва саноатда машғул бўлган ходимларга кўрсатаётган соғлиқни сақлаш ходимларига қўйилаётган

талаблар пасайгани йўқ. Бу айниқса, ходимларни ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказиш тизимини такомиллаштириш муаммосига тааллуқлидир, уларнинг нечојлик сифатли ўтказилиши, умумий ва касб касалликларида профилактика чоратadbирларини мақсадга мувофиқ йўналтирилган даражасига бојлиқ бўлади.

Умумий ва касб касалликларини, бахциз ҳодисаларнинг олдини олиш, ходимлар меҳнاتини муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида бу кўрикларнинг паст савияда ўтказилиши келгусида сурункали касалликларнинг тез-тез учраб туришининг кўпайиб кетишига олиб келиши мумкин, бу эса ўз навбатида ишлаш унумдорлигининг пасайишига, иқтисодий куч-қувватларнинг сусайишига олиб боради, яъни салбий ижтимоий оқибатларга сабаб бўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон саноатида, қурилишда ва қишлоқ хўжалигида 3 млн. дан ортиқ одам ишлайди, улардан 1 млн. нохуш ва зарарли меҳнат шароитларида, шу жумладан 200 минг аёл ишламоқда. Кўп корхоналарда асосий касб гуруҳларида зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари (шовқин, тебраниш, кимёвий бирикмалар ва ҳоказолар)га кўйиладиган рухсат этувчи гигиеник қоидаларнинг бузилишига йўл кўйилмоқда. Бу эса касбдан касалланишнинг асосий негизини кўп жиҳатдан ишга вақтинча қобилияцизликка алоқадор касалликларни келтириб чиқаради.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, баъзи бир саноат корхоналарида меҳнат шароитлари ва касбдан касалланишнинг ҳақиқий аҳволи санитария-эпидемиология хизмати томонидан кўриладиган чораларнинг етарлича самарали бўлмаслигидан ва ходимларнинг касбдан касалланишини муҳофаза қилиш борасида ўз касб бурчини тамойилиал ва пухта бажармаслигидан далолат беради.

Мана шу вазифаларни муваффақиятли олиб бормай туриб, зарарланган ҳудудларда, объектларда мўтадил ҳаёт фаолиятини яратиб бўлмайди. Бу ишларни давлат органлари орқали, фуқаро муҳофазаси бошчилигида бутун халқ ёрдамида амалга оширилади.

Раҳбарлар таркибини, тузилмалар ва аҳолини ўқитишда уларни амалий машғулотларга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар раҳбарлар таркибини, Фуқаро муҳофазаси(ФМ) кучларини ва аҳолини ФМ вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг юқори ва фаол шакли ҳисобланади. Амалий машғулотларда тузилмаларга кирган фуқароларнинг аниқ ва тартибли ҳаракатлари, турли хил жихозлар, асбоб-ускуналар, техникалардан фойдаланиш услублари ўрганилади, алоқа ва тузилмаларни бошқариш масалалари ишлаб чиқилади.

Ёнғин халқ хўжалигига катта моддий зарар келтиради. Бир неча минут ёки соат ичида жуда катта миқдордаги халқ бойликлари ёниб кулга айланади. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ҳамда газлар атмосферага кўтарилиб, ҳавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, кишиларнинг жароҳатланишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси, ёнғинга қарши кўраш тадбирлари ва ишларнинг хавфсиз бажариш усулларини меҳнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишни тақозо қилади.

Ҳозирги вақтда республикамиз ташкилот ва корхоналарида ёнғин хавфсизлигини камайтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, корхоналарда ёнғин чиқиш хавфи камайтирилган ва бутунлай хавфсиз ишлайдиган электр ускуналари ишлатилмоқда. Ўт ўчиришнинг механизациялашган ва автоматлашган тизимлари тобора кенгрок кўлланилмоқда.

Лекин, ёнғин чиқишининг олдини олиш ва ўт ўчиришда асосий масъулият кишилар зиммасига тушишини ҳамда уларнинг ёнғинни ўчириш техникасининг барча талабларини тўлиқ бажарқилишига боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Ташкилот ва корхоналарда бу тадбирлар тартибли равишда, ёнғин техникаси ҳақидаги низом, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар асосида олиб борқилиши шарт.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкани кўз қорачиғидай сақлаши, асраб авайлаши, уни бойитиш ҳақида қайғуриши

керак. Шунинг учун корхоналарда ёнғиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суянган ҳолда олиб борилади. Ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш касбий ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Касбий ёнғин муҳофазаси ўз навбатида ҳарбийлаштирилган (йирик шаар ва муҳим объектларга хизмат кўрсатади), ҳарбийлаштирилмаган (туман марказлари ва йирик саноат объектларига хизмат кўрсатади) ва тармоқ (айрим бирлашма ва корхоналарга хизмат кўрсатилади) турларига бўлинади.

Ёнғин хавфи кам бўлган ҳамда кичикроқ корхона ва муассасаларда ёнғин муҳофазаси ва объектни қўриқлаш хизмати биргаликда қўшиб олиб борилади. Корхоналарда ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш ва ёнғин чиқишини оголантириш ўт ўчириш техникаси ҳамда қуролларини алоқа ва ўчириш воситаларини жанговар ҳолатда сақлаш, ёнғин чиққан тақдирда уларни ўчиришда фаол қатнашиш, хал мулкани асраб-авайлаб сақлаш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Сех, лаборатория, бўлим, омборхона, устахоналардаги ёнғин хавфсизлиги учун жавобгарлик, уларнинг раҳбарлари ёки шу раҳбарлар вазифасини бажариб турган кишилар зиммасига юклатилади.

Республикамизда шаҳарлар, қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойлар ва халқ хўжалиги объектларининг ёнғин муҳофазасини мустакамлаш учун ёнғинга қарши кўраш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келинади. Ана шу ёнғин муҳофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- биринчидан, ёнғиннинг олдини олишга қаратилган илмий-техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;

- иккинчидан, объектлар, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойларда ёнғинни ўчиришни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғинга арши кўраш бошқармасининг вазифаси давлат мулкани, фуқаролар шахсий мулкани ёнғиндан салашдан иборат, шу билан бирга ёнғин назорати

ташкilotлари ташкилий, назорат ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- Ҳамма идоралар, корхоналар ва алоҳида шахслар учун мажбурий бўлган ёнгин муҳофазасига доир қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ишлаб чиқиш ва уларни чоп этиш;
- саноат, фуқаро бинолари ва иншоотларини, аҳоли пунктларини лойиҳалаш, қуришда ёнгин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларининг бажарилишини текшириш;
- Ҳамма ташкilotлар, муассасалар, корхоналардаги ўт ўчириш бўлинмаларининг шайлигини ва ўт ўчириш воситаларининг созлигини каттиқ назорат қилиш ҳамда текшириш.

Ўзбекистон Республикаси ёнгин назорати ташкilotлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

- ёнгин хавфсизлиги жиҳатидан қай ҳолатдалигини аниқлаш мақсадида барча саноат бинолари ҳамда иншоотлари, омборхоналар ва уйларни текшириш;
- корхоналар маъмурияти ва алоҳида шахслардан объектларнинг ёнгин хавфсизлиги нуқтаи назаридан қай ҳолатдалигини аниқлаш учун зарур бўлган маълумот ҳамда ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;
- ёнгин хавфсизлиги қоидалари бузилганлигини аниқлашда корхона раҳбарларига ана шу бузилишларни бартараф этиш юзасидан мажбурий фармойишлар бериш ва бунинг учун зарур муддатларни белгилаш;
- ёнгин ва портлаш хавфини юзага келтирувчи оида бузқилишларини аниқлашда ана шу бузилишлар бартараф этилгунга қадар корхонанинг ишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб қўйиш;
- ёнгин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган кишиларни маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортиш.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида тиббий экспертизадан ўтиш ҳуқуқига эга.

Биринчи медицина ёрдамининг аҳамияти ва шундай ёрдам беришнинг қоидалари

Биринчи медицина ёрдамининг вазифаси энг оддий чораларни кўриш билан шикастланган одам ҳаётини қутқариб қолиш, унинг азоб-уқубатларини камайтириш, рўй бериши эҳтимол асоратларнинг олдини олиш, шикаст ёки касалликнинг ўтишини енгиллаштиришдан иборатдир.

Биринчи медицина ёрдами шикастланиш ҳодисаси рўй берган жойда шикастланган одамнинг ўзи (ўз-ўзига ёрдам бериш), ўртоғи (ўзаро ёрдам), санитар дружиначилар томонидан берилиши мумкин. Биринчи медицина ёрдамига кирадиган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат: қон оқишини вақтинча тўхтатиб қўйиш, баданнинг жароҳатланган ва куйган жойига стерил боғлам қўйиб боғлаш, сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита массаж қилиш, антидотлар билан укол қилиш, антибиотиклар бериш, оғриқ қолдирадиган дорилар юбориш,(шок маҳалида), ёниб турган кийимни учириш, транспортда олиб бориш учун шикастланган жойни қимирламайдиган қилиб боғлаб қўйиш (транспорт иммобилизацияси), одамнинг баданини иситиш, иссиқ ва совуқдан пана қилиш, противогаз кийгизиш, шикастланган кишини заҳарланган жойдан олиб чиқиш, қисман санитар обработкадан ўтказиш.

Биринчи медицина ёрдамини мумкин қадар эрта муддатларда кўрсатиш касаллик ва шикастнинг кейини қандай ўтиши ҳамда оқибати нима билан тугаши учун, баъзида эса ҳаётни қутқариб қолиш учун ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Кўп қон кетиб турганда, одам злектр токидан шикастланган, сувга чўккан пайтида, юрак фаолияти тўхтаб, нафаси чиқмай қолган пайтда ва бир қанча бошқа ҳолларда биринчи медицина ёрдами дарҳол кўрсатилиши керак. Башарти талайгина одамлар бир йўла биринчи медицина ёрдами кўрсатилишига муҳтож бўлса, у ҳолда бундай ёрдам

кўрсатишнинг муддатлари билан навбати белгиланади. Болаларга ва шу дамнинг ўзида ёрдам олмаса ўлиб қолиши мумкин бўлган шикастланганларга биринчи навбатда ёрдам кўрсатилади.

Бир йўла ҳар хил турдаги шикастга учраган одамга биринчи медицина ёрдами кўрсатишга киришилар экан, айрим усул-амалларнинг тартибни белгилаб олиш керак. Аввал шикастланган одамнинг ҳаётии қутқариб қолишга имкон берадиган ёки биринчи медицина ёрдамининг кейинги усул-амалларини қўлланиш учун бажарилиши шарт бўлган усул-амаллар бажариладн. Чунончи, сон суяги очик синиб, артериядан қон кетиб турган маҳалда биринчи навбатда ҳаёт учун хатарли бўлган қон кетишини тўхтатиш, кейин жароҳатга сте-рил боғлам қўйиш ва шундан кейингина оёқни қимирламайдиган қилиб боғлашга (иммобилизация қилиб қўйишга) киришиш: синган жойни ҳеч қимирламайдиган қилиб қўйиш учун махсус шина солиб боғлаш ёки қўлида бор воситалардан фойдаланиш керак.

Хулоса

Битирув малакавий иши мавзусини ёритиш вақтида қуйидаги **хулосалар** олинди:

1. Корхоналари мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга касб этмоқда. Улар фақат мамлакат бюджетини тушумлар билан таъминлашда эмас, балки унинг ялпи ички маҳсулоти ва валюта тушумларини шакллантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

2. Корхоналарини солиққа тортиш механизмининг вазифаси корхоналарни узоқ муддатли барқарор ривожланиши ва улар фаолиятининг юқори самарадорлигини таъминлаш мақсадида солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштиришдан иборат. Албатта, солиқ сиёсати ва корхоналарни солиққа тортиш механизми”, бир томондан, давлатнинг жорий фискал манфаатларини ва иккинчи томондан, ишлаб чиқариш корхоналарининг самарали фаолият кўрсатувчи тузилмаларини молиялаштириш имкониятларини таъминлаши керак. Фақат шундай бўлган тақдирда, ушбу механизмни самарали фаолият кўрсатиб келишидан хулоса чиқариб олиш мумкин бўлади.

3. Мамлакатимизда корхоналар томонидан бюджетга тўланадиган солиқлар таркиби, асосан, 10 кўринишга эга бўлиб, уларнинг орасида кўшилган қиймат солиғи, акцизлар, фойдадан олинадиган солиқ, мол-мулк солиғи, ер қабридан фойдаланганлик учун солиқ кабилар муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, бу солиқлар тизими ва солиққа тортиш механизми ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган корхоналар фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини етарли даражада эътиборга олмаяпти.

4. Корхоналар молиявий фаолияти натижаларида бюджетга тўланган солиқлар таъсирининг бир неча йўналишига мувофиқ шундай фаолият натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўсиш суръатлари билан фойда ҳисобидан тўланган солиқ суммаларининг ўсиш суръатлари ўртасида пропорционал боғланиш мавжуд эмас. Бу, бир томондан, улардаги мавжуд

солиққа тортиш механизмининг самарали ва таъсирчан фаолият кўрсатмаётганлигини ва иккинчи томондан, бу корхоналарни солиққа тортиш механизмида уларнинг молиявий фаолияти натижаларида бюджетга тўланган солиқларнинг таъсири борасида заҳираларнинг ва улардан фойдаланишнинг имкониятлари мавжудлигини кўрсатапти.

5. Корхоналар молиявий фаолияти натижаларида бюджетга тўланган солиқларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган масалани фақат тегишли кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда кўриб чиқиш билан чекланиш мақсадга мувофиқ эмас. Бунинг учун ушбу корхоналар фаолияти натижаларига солиқларнинг таъсирини умумий тарзда кўрсатадиган солиқ юки кўрсаткичидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Битирув малакавий ишида корхоналарни солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган қўйидаги **таклиф ва тавсиялар** ишлаб чиқиш учун асос яратилди ва ёритилди:

1. Ҳозирги даврда ва яқин келажакда мамлакатимиз корхоналарида солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш ва модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг қўламда жорий этиш ва солиққа тортиш механизмини корхоналар фаолият натижаларига таъсирчанлигини кучайтириш йўналишларида амалга ошириш лозим.

2. Корхоналарда солиққа тортиш механизмини модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш йўналишида такомиллаштириш учун:

а) инвестицион чегирмалар, солиққа тортиладиган даромаддан илмий-тадқиқот ва тажриба ишларининг жорий харажатларини тўлиқ ёки қисман чиқариб ташлаш, бу харажатларнинг ўсган қисмига солиқ кредитини тақдим этиш, фойда солиғига нисбатан чегирмаларни қўллаш лозим;

б) корхона томонидан эришилган инновацион фаолиятнинг даражасини ҳисобга олган ҳолда фойдадан олинадиган солиқни камайтириш

йўли билан илмий-тадқиқот ва тажриба ишларини рағбатлантириш имкониятларидан фойдаланиш керак.

3. Корхона эришган инновацион фаолиятнинг даражаси қанча юқори бўлса, тегишли корхоналар шунча кўп солиқ имтиёзлари олиши мақсадга мувофиқ;

4. Солиққа тортиладиган базанинг ҳажмини аниқлашда, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ўтказиш учун фойдаланилган дастгоҳларнинг тезлаштирилган амортизацияси ва шунга ўхшашлар учун уларга қилинган жорий харажатларни маҳсулот таннархига ўтказишда ҳақиқий шароит яратилмоғи, жумладан, инвестициялар бўйича имтиёзларни, аксарият ҳолларда, инвестицион солиқ чегирмалари кўринишида тақдим этиш зарур;

5. Корхоналарни солиққа тортиш механизми ишлаб чиқаришни техник жихатдан қайта қуроллантиришни амалга оширувчи корхоналарни замонавий асбоб-ускуналар ва дастгоҳлар билан қуролланишини рағбатлантириши керак.

6. Корхона ва ташкилотларга шу йилда сотиб олинган замонавий асбоб-ускуналар ва дастгоҳларнинг умумий қийматидан маълум бир фоиз миқдорида тўланиши лозим бўлган солиқ суммаларини камайтириш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ.

7. Махсус рағбатлантирувчи солиқ чегирмаларини жорий этиш имкониятини кўриб чиқиш лозим.

8. Солиқлар ва бошқа мажбурий ажратмаларнинг бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга ўз вақтида тушиб туришини таъминлаш учун фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий жавобгарлигини кескин кучайтириш зарур. Бунинг учун “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси”даги “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузиш” деб номланган 120- моддага ўзгартириш киритиш ва унда белгиланган 0,05% миқдоридаги жариманинг даражасини тегишли тартиб биринчи марта бузилганда 1,0% (20 мартага

оширилган), қайта такрорланганда эса, ундан ҳам юқорирок даражада қилиб белгилаш керак.

Бундай таклифлар солиқ муносабатларини янада ривожлантиришга имконият бўлади.

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, республикамиз солиқ тизимини такомиллаштиришнинг истиқболли устувор йўналишларини солиққа тортиш тизимини том маънода унификациялаш ва соддалаштириш масалаларига қаратилиши мақсадга мувофиқ. Бу эса, мазкур муаммоларнинг чуқур таҳлилига асосланган илмий тадқиқот олиб боришни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Т.: ЎзРДСҚ, 2010
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни. \\Халқ сўзи. 2000 йил 14 январ.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ-1887-сон Қарори. – Т.: 2013
5. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январ 21-сон.
6. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузаси.
7. Каримов И. А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. - Т.: Ўзбекистон, 2005
8. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
9. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //Биржа. 2011 йил 22 январ 4-5 бетлар.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий

- ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2012. – 282 б.
11. Акрамов Э.А. Иқтисодий тараққиётнинг “Ўзбек модели” амалда. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2011.
 12. Бард В.С. Финансово-инвестиционный комплекс - М.: Финансы и статистика, 1998. - 418 с.
 13. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма / проф А.В. Вахабовнинг умумий тахрири остида. –Т.: Молия, 2010. - 328 б.
 14. Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: Шарқ, 2009
 15. Ваҳобов А., Қосимова Г. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. - Т.: Iqtisod-moliya, 2008. -287б.
 16. Ваҳобов А.В. Маликов Т.С. Молия. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2011.
 17. Ендовинкий Д.А., Бабушкин В.А., Батурина Н.А. Анализ инвестиционной привлекательности организации: учебник - М.: КНОРУС, 2010.
 18. Зайналов Д., Саттаров Т. Проблемы обеспечения финансовой стабильности предприятий. Монография. – Т.: Шарқ, 2011.
 19. Зайналов Ж.Р. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Самарқанд: СамКИ, 2003.
 20. Карасева И.М., Ревякина М.А. Финансовый менеджмент. Учебное пособие. – М.: Омега М, 2010
 21. Қўзиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёз. дис. автореф. – Т.: БМА, 2008. - 38 б.;

- 22.Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. – Т.: Молия, 2009.
- 23.Муталова Д.М. Солиққа тортишнинг соддалаш-тирилган тартибини такомиллаштириш: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёз. дис. автореф. – Т.: БМА, 2010. - 22 б.;
- 24.Налоги и налогообложение: учебник пособие. В.Ф.Тарасова, Т.В.Савченко, Л.Н. Семькина. -2-е изд., испр. и доп. – М.: КНОРУС, 2005,-288с
- 25.Налоги и налогообложение: Учебник. Д.Г. Черник и др. -2-е изд., доп. и прераб.-М.: ИНФРА –М, 2004.-328с
- 26.Оптимизация и минимизация налогообложения: Практ. руков. (Ред. Белоусова С.В.). – М.: Вершина, 2006.-128с.
- 27.Оспанов М.Г. Налоговая реформа и гармонизация налоговых отношений. С.-П.-Госуд.университет экономики и финансов, 1997
- 28.Раджабов У.А. Ўзбекистон иқтисодий эркинлаштириш шароитида солиқ тизимини такомиллаштириш: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёз. дис. автореф. – Т.: БМА, 2006. - 24 б.;
- 29.Собиров Ш.М. Фойда солиғи ва унинг тадбиркорлик субъектлари иқтисодий фаолиятига таъсири: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёз. дис. автореф. – Т.: БМА, 2008. - 20 б.;
- 30.Солиқ тўловчилар билан ишлаш. Ўқув қўлланма. / Ш.Тошматов ва бошқалар. — Т.: Янги аср авлоди, 2010. - Б. 7-26.
- 31.Ташмурадова Б.Э. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёз. дис. автореф. – Т.: БМА, 2007. - 42 б.;
- 32.Тошматов Ш.А. Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кучайтириш муаммолари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёз. дис. автореф. – Т.: БМА, 2008. - 38 б.;

- 33.Тўраев Ш.Ш. Хўжалик субъектларининг солиқ юкини оптималлаштириш масалалари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёз. дис. автореф. – Т.: БМА, 2007. - 24 б.;
- 34.Урмонов Ж.Ж. Кичик бизнесни ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантириш функциясидан самарали фойдаланиш истикболлари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёз. дис. автореф. – Т.: БМА, 2010. - 22 б.
- 35.Хазанович Э.С. Инвестиционная стратегия: учебное пособие / Э.С. Хазанович, А.М. Ажлуни, А.В. Моисеев. - М.: КНОРУС, 2010. - 304 с.
- 36.Ҳайдаров М.Т., Ашурова Д.С. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогнозлаштириш. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2010. 258 б.
- 37.Ходиев Б.Ю., Карлибаева Р.Х., Расулов Н.М. Корпоратив бошқарув: Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2011. -301 б.
- 38.Ҳусанов Ғ. ва бошқалар. Молиявий менежмент. – Т.: 2008
- 39.Черновец С. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебное пособие. – М.: Магистр, 2010.
- 40.Шодибекова Д.А. Кичик бизнесни бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: 2010. 280 б.
- 41.Эшонов М.Ҳ. Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) ва мол-мулк солиқларини такомиллаштириш масалалари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёз. дис. автореф. – Т.: БМА, 2006. - 22 б.;
- 42.Интернет сайтлари:
- http: //www.minfin.ru
- http: //www.mf.uz
- http: //www.budget.ru
- http: //www.df.ru
- http: //www.nalog.ru
- http: //www.finansy.ru
- http: //www.finance.rambler.ru